

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ЖИНОЯТНИ

ПАЙҚАМАСЛИК – ЖИНОЯТ

2008 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-181-сон Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Жиноят кодекси жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки қўриб чиқиш хизмат вазифаларига қирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишни қасддан яширганлиги учун жавобгарликни назарда тутадиган 241¹-модда билан тўлдирилди. Жиноят процессуал кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, мазкур жиноятга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади. Шунингдек ЖПКга киритилган меъёрга кўра, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида жиноят ишини суриштирув органидан терговчи, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ЖПКда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 29 августдаги 257-II-сон Қонун билан тасдиқланган тахририда) юқорида кўрсатилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан мувофиқлаштирилди.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 23 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

ЖАВОБГАРЛИК

ШАКЛИ ЎЗГАРАДИ

2008 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ-182-сон Қонун билан Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, Жиноят кодексидан жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят учун озоликдан маҳрум қиладиган меъёр чиқариб ташланди. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун эса, агар бундай ҳаракатлар анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Ушбу ҳаракатлар содир этганлик ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 25 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

АКЦИЯДОРЛАР ЭЪТИБОРИГА

2008 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ-183-сон Қонун билан 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сон Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Чунончи, энди ЁАЖ акциядори ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини амалга оширишнинг тартиби аниқлаштириб олинди. Таъсис йиғилиши жамиятнинг ижроия органини тузишга ҳақлидир. Уставада, шунинг

гдек, акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари ҳақидаги маълумотлар ҳам баён этилган бўлиши керак.

Акциядорлик жамияти (ҳам очик, ҳам ёпиқ турдаги!) устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича 50 000 АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак.

Қонун акцияларни жойлаштириш ва улар учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Янги тахрирда жамият акциядорлари реестри, депо ҳисобварағидан кўчирма, жамият акциядорлари реестрини шакллантириш шартлари ва тартибига бағишланган моддалар баён этилган.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 27 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб, унинг устав фондининг энг кам миқдорига оид қонда эса 2009 йил 1 январдан эътиборан кучга қиради. Устав фондларини 2009 йилнинг 1 январига қадар янги талабларга мувофиқлаштирмаган ёпиқ акциядорлик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ

ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 19 сентябрда 1857-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Президентнинг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон қарорининг 2 ва 3-иловаларига кўрсатилган қарорни қабул қилинган санасида киритилган корхоналар 2008 йил 28 майдан 2011 йил 1 январгача куйидагиларни тўлашдан овоз этилади:

– четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

– маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғидан, ягона солиқ тўловидан (солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

– маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мол-мулк солиғидан.

Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган

корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

2008 йил 29 сентябрдан кучга кирди.

ЖОЗИБАДОР СЕРТИФИКАТ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 23 сентябрда 1858-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозит сертификатлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Марказий банкнинг депозит сертификати – Марказий банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (депозит сертификатини сақловчининг) омонат суммасини ҳамда Депозит сертификатидан шартлашилган фоизларни белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз. Улар Марказий банк томонидан ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул массасини тартибга солиш мақсадида чиқарилади. Бир донга сертификатнинг номинал баҳоси 1 000 000 сўмини ташкил этади. Уни олиш учун омонатлар республика миллий валютасида қўйилади. Қимматли қоғознинг муомала муддати – бир йил. Сертификатларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомалада бўлиш шартлари, шунингдек уларни сўндириш тартиби белгиланди.

2008 йил 3 октябрдан кучга қиради.

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Депозит (омонат) сертификати банкка қўйилган депозит (омонат) суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчисининг) депозит (омонат) суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, улар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда икки турда чиқарилади: «депозит сертификатлари» – юридик шахслар учун, «омонат сертификатлари» – жисмоний шахслар учун. Депозит сертификатларида фақат эгасининг номи ёзилган бўлиши мумкин, омонат сертификатлари эса эгасининг номи ёзилган ёки тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин. Сертификатларнинг қиймати миллий валютада ифодаланиб, уларни хорижий валютада чиқариш тақиқланади. Сертификатлар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга (сертификат берилган вақтдан бошлаб сертификат сақловчиси сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтига қадар) чиқарилади. Уларни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас.

Ҳужжатда шунингдек сертификат бланкаларини расмийлаштиришга оид талаблар, уларнинг муомалада бўлиш тартиби, шунингдек уларнинг чиқарилиш шартларини рўйхатга олишни рад этиш, сертификатлар чиқарили-

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 20 сентябрдан 26 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 39-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

шини тўхтатиш, рўйхатга олинганлигини бекор қилишга доир қоидалар белгиланган.

2008 йил 4 октябрдан кучга қиради.

БИТТА НОЛЬ ОРТИҚЧА ЭКАН

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 23 сентябрда 1802-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, «8704 23 910 0» рақами «8704 23910» рақами билан алмаштирилди.

2008 йил 3 октябрдан кучга қиради.

БАҲОЛОВЧИЛАР УЧУН

МАХСУС ШАКЛЛАР

Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 24 сентябрда 1860-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш баҳолаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур шакллар қўлда ёки почта орқали 1 июль ва 31 декабрь ҳолатларига кўра белгиланган санадан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда Давлат мулки қўмитасига тақдим этилиши шарт.

2008 йил 4 октябрдан кучга қиради.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ

УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 26 сентябрда 1749-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Чунончи, даъвогар тестнинг ҳар бир бўлими бўйича тўғри жавоб бериши лозим бўлган куйидаги энг кам миқдор белгиланди:

- солиқ ҳуқуқи – 5;
- юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш – 9;
- иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш – 7;
- солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари, ташкил этиш ва услуби – 3;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи – 8;
- содиқ ҳисоб-китоблари ва режалаштиришда иқтисодий таҳлил – 3.

Бунда тест натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун имтиҳон тестларидаги мавжуд саволлар умумий миқдорининг камида 75 фоизига тўғри жавоб бериш керак.

2008 йил 6 октябрдан кучга қиради.

	2-3-бетлар	4-бет	5-6-бетлар	7-12-бетлар
	Бизнинг маслаҳатлар	Арз қилишнинг ҳам қондаси бор	Иштирокчи МЧЖдан чиқарилганда...	Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар
	\$1 = 1330,00 сўм	€1 = 1928,90	£1 = 2431,51 сўм	¥10 = 125,04 сўм



INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

119-0000
155-0955

Тел./факс: (99897)
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ФИРМА ҚЎШИМЧА ПУЛ ТЎЛАГАНДА

? Корхона жамоа шартномасига кўра ўз ходимларига касаллик варақалари бўйича нафақаларни Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом билан (АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган миқдордан ошадиган миқдорда тўлайди. Масалан, 80% деб белгиланган меъёр бўлгани ҳолда корхона ходим иш ҳақининг 100% миқдорда тўлайди. Ошган сумма моддий ёрдам бериш тарзида расмийлаштирилади.

Шу муносабат билан қуйидагиларни тушунтириб берсангиз:
– белгиланган меъёрлардан ошадиган касаллик варақалари бўйича тўловларни солиқ солиш мақсадида қандай баҳолаш керак;
– ходим ва корхона учун касаллик варақалари бўйича меъёрдан ортиқ тўловлар қандай солиқ оқибатларига эга бўлади?
Бош бухгалтер.

– Белгиланган меъёрлардан ошадиган касаллик варақалари бўйича тўловларни баҳолаш вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақаларнинг меъёрдан ортиқ суммаларини тўлаш тўғрисида иш берувчининг қарорини қандай асослашга боғлиқ. Агар унда қўшимча тўлов моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга оширилади деб қайд этилган бўлса, Солиқ кодексининг 179-моддасига кўра бир йил давомида тўланган, энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача бўлган моддий ёрдам суммасига солиқ солини-

майди. Бундан ортиб кетган қисмга бошқа даромадлар билан жамлиқда умумбелгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Агар корхона раҳбариятининг (ёки ташкилот бошқа ваколатли органининг) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик муносабати билан нафақаларга қўшимча сумма тўлаш тўғрисидаги қарорларида моддий ёрдам кўрсатиш қайд этилмаган бўлса, касаллик варақалари бўйича белгиланган меъёрлардан ошадиган тўловларни солиқ солиш мақсади-

даги моддий наф тарзидаги даромадлар (Солиқ кодекси 177-моддасининг 1-банди) – юридик шахсининг жисмоний шахс даромади деб ҳисобланадиган харажатлари деб эътироф этиш керак.

Моддий наф тарзидаги даромадлар жами даромадга киритилиши ва белгиланган тартибда унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиниши керак. Бироқ уларга ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари солинимайди.

Касаллик варақалари бўйича меъёрдан ортиқча тўловлар солиқ тўловчининг харажатлари ҳисобланади, улар фойда солиғи ҳисобкитобида солиқ солинадиган базадан чегирилмайди. Масалан, ўз ходимларига касаллик варақалари бўйича ходим иш ҳақидан 80%лик меъёр ўрнига 100% миқдорда пул тўлайдиган корхона меъёрдан ортиқча 22 минг сўм тўлаган. Ушбу сумма фойда солиғи ҳисобкитобида солиқ солинадиган базадан чегирилмайди (Солиқ кодекси 147-моддасининг 27-банди).

АЗИЗ ФАХРИЙЛАРИМИЗ

? Корхонамиз ишламайдиган пенсионерларга вақти-вақти билан моддий ёрдам кўрсатади. Биз мазкур ҳолда унга даромад солиғи солишимиз керакми ва қайси ставка бўйича?

Бундан ташқари, жамоа шартномасига кўра биз пенсионерларга «Фахрий темирйўлчи» унвони учун қўшимча ҳақ тўлаймиз. Солиқ кодексининг 179-моддасида стаж ёки фахрий унвон учун давлат пенсияларига устамалар бўйича имтиёзлар назарда тутилмаган. Демак, биз уларга солиқ солишимиз керакми?

Н.Турсунов,
бош бухгалтер.

– Солиқ кодексининг 179-моддасига кўра юридик шахс томонидан бир йил мобайнида энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда кўрсатилган моддий ёрдам суммаларига солиқ солинимайди. Бундан ошган суммага умумбелгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Амалдаги солиқ қонунчилигида пенсияларга қўшимча тўловлар, шу жумладан «Фахрий темирйўлчи» унвони учун қўшимча тўловлар бўйича имтиёзлар назарда тутилмаган. Шу боис мазкур тўловларга умумбелгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ишламайдиган пенсионерларга мод-

дий ёрдам кўрсатадиган ёки уларга қўшимча тўловлар тўлайдиган корхоналар ўзлари рўйхатга олинган жоғда давлат солиқ инспекцияси солиқ даври (йил) тугаганидан кейин 30 кун мобайнида ҳар бир даромад олувчига доир маълумотнома тақдим этишлари шарт, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: солиқ тўловчи жисмоний шахсининг идентификация рақами; фамилияси, исми, отасининг исми; доимий яшаш жойи манзили; даромадларнинг умумий суммаси ва ўтган солиқ даври якунлари бўйича улардан ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси; солиқ агенти (яъни юридик шахс)нинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), идентификация рақами.

Жавобларни экспертими Очил ФАНИЕВ тайёрлади.

СУГУРТА БАДАЛЛАРИСИЗ, БИРОҚ ДАРОМАД СОЛИҒИ БИЛАН

? Янги Солиқ кодексига кўра ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ажратмалари бўйича солиқ солиш объекти 306-моддада белгиланган, солиқ солиш мақсадида ҳисобга олинадиган даромадлар эса 172-моддада берилган.

Касаллик варақалари бўйича пул тўлаш, 178-модданинг 1-бандига кўра, жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари сифатида белгиланади, улар ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадалларини ҳисоблаётганда солиқ солиш объекти сифатида ҳисобга олинмайди.

Жисмоний шахсларнинг давлат ижтимоий сугуртаси бўйича даромадлари (яъни касаллик варақалари) ягона ижтимоий тўловни (24%) ва сугурта бадалларини (2,5%) ҳисоблаш бўйича солиқ солинадиган базадан киритилмайди десам, тўғри тушунган бўламанми?

Т.Арфаун,


Олмаликдаги «Савдо» МЧЖ бош бухгалтери.

– Ҳа, касаллик варақалари бўйича пул тўлаш ягона ижтимоий тўловни ва сугурта бадалларини ҳисоблаб чиқаришда жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган базасига кирмайди. Солиқ кодексининг 306-моддасига кўра СКнинг 173, 174, 175-моддаларида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари солиш объектидир. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар жисмоний шахсининг

бошқа даромадлари таркибига киритилади (178-моддасининг 1-банди). Бинобарин, уларга ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳисобланмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу нафақанинг суммаси ходимнинг жами даромадига киритилади ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади (СК 179-моддасининг 20-банди).

Жавоб «Norma Ekspert» гуруҳи
экспертлари томонидан
тайёрланди.

Диққат!



Маълумотлар учун телефон:
244-97-64.

Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми? Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?

У ҳолда Давлат солиқ қўмитаси таклиф этаётган «Интерактив хизмат кўрсатиш» тизимидан фойдаланинг!

Тизимнинг имкониятлари:

- солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
- шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
- тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида soliq.uz ёки SICNT.uz сайтнинг «Интерактив хизматлар» саҳифасига кирилади. Ушбу саҳифага кириш ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 30 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1101,77	1 Малайзия ринггити	386,63
1 Англия фунт стерлинги	2431,51	1 Польша злотийси	573,94
1 Дания кронаси	258,61	1 СДР	2089,14
1 БАА дирҳами	362,11	1 Туркия лираси	1078,06
1 АҚШ доллари	1330,00	1 Швейцария франки	1214,17
1 Миср фунти	244,62	1 ЕВРО	1928,90
1 Исландия кронаси	14,01	10 Жанубий Корея вони	11,16
1 Канада доллари	1283,54	10 Япония иенаси	125,04
1 Хитой юани	194,36	1 Россия рубли	53,15
		1 Украина гривнаси	273,57

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	29.09.2008	1	0,807	1	1,1793	1	0,0322
Арманистон	1.10.2008	1	301,92	1	426,78	1	11,80
Беларусь	2.10.2008	1	2112,00	1	2981,09	1	82,49
Грузия	2.10.2008	1	1,406	1	1,9849	1	0,0549
Қозғоғистон	2.10.2008	1	119,97	1	169,59	1	4,69
Қирғизистон	27.09.2008	1	36,6688	1	53,5328	1	1,4655
Латвия	2.10.2008	1	0,498	1	0,702804	1	0,0194
Литва	2.10.2008	1	2,4501	1	3,4528	10	9,5614
Молдова	1.10.2008	1	10,2884	1	14,7449	1	0,4048
Тожикистон	1.10.2008	1	3,4068	1	4,8884	10	1,3428
Ўзбекистон	30.09.2008	1	1330,00	1	1928,90	1	53,15
Украина	1.10.2008	100	486,13	100	695,3117	10	1,916
Эстония	1.10.2008	1	11,0678	1	15,6466	1	0,432423

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-бет

● БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Фирма қўшимча пул тўлаганда
- Азиз фахрийларимиз
- Сугурта бадалларисиз, бироқ даромад солиғи билан
- Корхонанинг ижтимоий харажатлари
- Қоплаш = моддий наф

– ҚҚСни тўламаслигини мумкин

2-3-бетлар

● ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Давлат органига арз қилиш қоидалари
- Ҳиссага баҳони ўзим бераман **4-бет**
- ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ
- Ушбу алоқалар қанча туради?
- Лицензиясиз, бироқ рўйхатдан ўтказиб
- Иштирокчининг МЧЖдан чиқиши

5-6-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

- «Қимматли қозғолар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида»;
- «Республика олий таълим муасса-

салари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 9 августдан 22 августгача бўлган маълумот.

7-12-бетлар

● БИЗНЕС-ПАНОРАМА

13-16-бетлар

КОРХОНАНИНГ ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАРИ

1. Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасига янги Солиқ кодекси кўра, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигидан ташқари, қандай солиқлар солинади?
2. Корхона ҳисобидан берилadиган, бола икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақага (иккита энг кам иш ҳақи) солиқ солинадими?
 Бош бухгалтер.

1. Ҳисоблаб ёзилган вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси суммаси ходимнинг жами даромадига киритилади ва Солиқ кодекси 171-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига ҳамда 179-моддасининг 20-бандига асосан унга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинади. Бошқа даромадлар сирасига киргани учун (СКнинг 178-моддаси) улар ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солиш объекти ҳисобланмайди. Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси суммасидан бюджетга ўтказилadиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини камайтириш ҳисобига 1% миқдорда фуқароларнинг жамғариб берилadиган шахсий пенсия ҳисобварақларига ажратмалар қилинади.

Белгиланган меъёрлар доирасидаги вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини (касаллик варақалари бўйича) тўлаш харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқариш чоғида корхонанинг жами даромадидан чегирилади (Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори* 4-банди, МВнинг

2008 йил 19 мартдаги ЁТ/04-01-32-14/239-сон ва ДСҚнинг 16/1-2771-сон тушунтириш хати**).

Агар корхона касаллик варақалари бўйича меъёрдан ортиқча тўловларни амалга оширса, улар солиқ тўловчининг солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайdиган харажатлари ҳисобланади (СК 147-моддасининг 27-банди). Масалан, корхона ўз ходимига касаллик варақаси бўйича ходим иш ҳақининг белгиланган 80%лик меъёрида 100% миқдорда нафақа тўлаган. Меъёрдан ортиқча тўловлар 22 минг сўмни ташкил этади. Ушбу сумма солиқ солинадиган базадан чегирилмайди ва унга фойда солиғи солинади.

Корхона белгиланган меъёрлардан ортиқча тўловни касаллик варақалари бўйича нафақа эмас, балки моддий ёрдам сифатида расмийлаштириши мумкин. Фойда солиғи солиш мақсадида мазкур суммалар чегирилмайdиган харажатлар ҳисобланади, бироқ уларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинмайди (агар йил давомида олинган моддий ёрдам суммаси мазкур тўлов пайтида энг кам иш ҳақи миқдорининг 12 бараваридан ошмас). Моддий ёрдамга СКнинг 308-модда-

си ҳамда МВ ва ДСҚнинг 2008 йил 20 августдаги тушунтириш хати (ММ/04-01-32-14/769 ва 16/2-9476-сон) мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинмайди.

2. Меҳнат кодексининг 234-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда нафақа тўланиши белгиланган. Ушбу нафақани тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

– **ишлаётган** (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тахсил олаётган, хизмат ўтаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) асосан – иш (ўқиш, хизмат) жойи бўйича;

– **ишламайдиган** (олий, ўрта махсус ва ўрта касб-ҳунар ўқув юртининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тўлов-контракт асосида таълим олаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга), юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга, шунингдек фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширадиган деҳқон хўжаликлари аъзоларига, Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғриси-

РЕКЛАМА

“Картрижларни Тўлдириш Маркази”

муваффақиятингиз учун комплекс ечим

919-30-40

картрижлар, принтерлар, копирлар, ШҚларни

ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ

7 777 сўмдан бошлаб

“Trade in” хизмати

да низомга*** (МАИМКВ, МВ, «Маҳалла» РЖ ва Халқ банкининг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) асосан. Ушбу нафақани уларга тайинлаш ва тўлаш билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари шуғулланади.

Болани икки ёшга тўлгунгача тўланадиган парвариш қилиш бўйича нафақалар ижтимоий нафақаларга тенглаштирилган, улар СК 179-моддасининг 20-бандига асосан **жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлашдан озод қилинган**. Ижтимоий нафақалар, СК 178-моддасининг 1-бандига кўра, **ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинмайdиган жисмоний шахсларнинг бошқа даромадларига киритилган**.

СК 145-моддасининг 28-бандига мувофиқ корхонанинг бошқа харажатларига қонун ҳужжатларига мувофиқ болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақани тўлаш харажатлари ҳам киритилган. Бинобарин, улар **фойда солиғи ҳисоб-китоби чоғида солиқ солинадиган базадан чегирилади ҳамда уларга ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинмайди**.

*Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида».

**Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш тўғрисида».

***Ушбу Низомда назарда тутилган тартиб бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга ҳам татбиқ этилади (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори 21-банди ҳамда МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори).

ҚОПЛАШ = МОДДИЙ НАФ

Ходимларга овқатланиш учун берилadиган тўловдан ягона ижтимоий тўлов қандай ушлаб қолинишни тушунтириб берсангиз. Солиқ кодексининг 308-моддасида овқатланиш учун тўлов бўйича имтиёзлар берилмаган, бироқ ОАВдаги бир қатор тушунтиришлар, экспертларнинг маслаҳатларида овқатланиш учун тўлов ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинадиган объект ҳисобланмаслиги таъкидланади.

Т.Галаева,
Карши ш.

– Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 306-моддасига кўра 172-моддада кўрсатилган **иш ҳақи тарзидаги даромадлар** ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объекти бўлиб, унга мувофиқ меҳнат шартномасига кўра ёки предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган

фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жисмоний шахсларга ҳисобланган ва тўланадиган барча тўловлар ана шундай объектлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек иш ҳақи тарзидаги даромадларга рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар (СКнинг 173-моддаси), компенсация тўловлари (компенсация) (СКнинг 174-моддаси), ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (СКнинг 175-моддаси) киради.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисобланмайdиган, жисмоний шахслар оладиган тўловлар янги Солиқ кодексининг 308-моддасида белгиланган. Бундан ташқари, ЯИТ ҳамда фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари жисмоний шахслар даромадларининг қуйидаги турларига ҳам ҳисобланмайди:

- СКнинг 176-моддасида кўрсатилган мулкий даромадлар;
- СКнинг 177-моддасида кўрсатилган моддий наф тарзидаги даромадлар;

– СКнинг 178-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари.

Овқатланишга доир қоплаш суммаси моддий наф тарзидаги даромадларга киради (СК 177-моддаси биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи хатбошиси), тегишинча, у **ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий суғурта бадалларининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди**.

Бироқ моддий наф тарзидаги даромадлар ходимларнинг жами даромадига киритилади ва СКнинг 171-моддасига кўра уларга **жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солиниши керак**. Овқатланишга доир қўшимча тўловлар суммаларидан ҳам, худди солиқ солинадиган даромад сингари, ШЖБПҲга ҳисобланган даромаддан 1 фоиз миқдорда бадаллар киритиб, ушбу суммани қонун ҳужжатларига кўра ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигидан тегишинча чегириш керак (2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон «Фуқароларнинг жамғариб берилadиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги 702-II-сон Қонун).

ҚҚСНИ ТЎЛАМАСЛИГИНГИЗ МУМКИН

Корхонамиз йўловчиларни автобусларда ташиш билан шуғулланади (ХХТУТ 51121 – автомобиль хўжалиги). Корхона жами ходимлари 6 нафар муҳандис-техник ходим ва 25 нафар ҳайдовчидан иборат. 25 автобуснинг ҳаммасини жисмоний шахслардан ижарага олганмиз. Корхонамиз қандай солиқларни тўлаши керак?

Б.Матразов,
фирма директори.

– Корхонангиз умумбелгиланган солиқларни тўлаши керак, чунки унда ишлаётганлар миқдори (31 киши) кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ходимлар миқдорининг чегараланган даражасидан ошади (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарорига* илова).

Солиқ солишинг умумбелгиланган тизимида корхоналар қуйидагиларни тўлайди:

- 1) ҳисобот даврида солиқ солинадиган база мавжуд бўлса – Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) V бўлимига мувофиқ **фойда солиғи**;
- 2) солиқ солинадиган оборотлар

мавжуд бўлса – **қўшилган қиймат солиғи** (СКнинг VII бўлими);

3) акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарилганда – **акциз солиғи** (СКнинг VIII бўлими);

4) ўзининг ҳамда узок муддатли ижара шартномалари бўйича олинган асосий воситалари ва номоддий активлари мавжуд бўлса – **мол-мулк солиғи** (СКнинг 47-боби);

5) ҳисобот даврида соф фойда (барча солиқлар тўланганидан кейин қолган фойда) мавжуд бўлса – **ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи** (СКнинг XIII бўлими);

6) мулкида ёки фойдаланишида ер участкалари мавжуд бўлса – **ер солиғи** (СКнинг 49-боби);

7) сувдан ўз фаолиятида фойдаланса – **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** (СКнинг X бўлими);

8) Ўзбекистон Республикаси ху-



дида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген ҳосилалардан фойдаланиш, шунингдек корхона томонидан чақноқ тошлар намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини йиғиш амалга оширилганда – **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** (СКнинг 43-боби);

9) божхона операциялари амалга оширилса – **божхона тўловлари** (СКнинг XVIII боби);

10) махсулот, ишлар, хизматларни реализация қилиш ҳажми мавжуд бўлса – **қуйидаги жамғармаларга умуммажбурий тўловлар**:

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (СКнинг 52-боби);

*«Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида».

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA

Ахборот-ҳуқуқий тизими

Сотиб олиш мабдалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ

Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
 Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
 Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
 Наманган ш.: (3692) 32-84-26
 Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
 Андижон ш.: (3742) 50-25-96
 Қарши ш.: (99875) 227-18-11

Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.

ДАВЛАТ ОРГАНИГА АРЗ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида фуқароларнинг давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мустақиллик билан бундай мурожаат қилишнинг тартиби қандай?

Сизни қизиқтираётган масалани тартибга солидиган асосий ҳужжат бўлиб «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун (янги тахрири 2002 йил 13 декабрдаги 446-И-сон Қонун билан тасдиқланган, бундан кейин – Қонун) ҳисобланади.

Қонуннинг 3-моддасига кўра фуқаролар, шунингдек хорижий давлатларнинг фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва муассасаларига ёзма ҳамда оғзаки шаклларда мурожаат этиш ҳуқуқига эгалар.

Моҳиятни баён этишдан ташқари, фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми) ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш мурожаатларга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳисобланади, чунки ушбу маълумотларсиз, шунингдек имзо қўйилмаган ёки сохта маълумотлар кўрсатилган мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди (Қонун 6-моддасининг учинчи қисми). Бундан ташқари, агар шахснинг мурожаатида тўхмат ва ҳақорат қилишлар мавжуд бўлса, ариза берувчи тўхмат учун энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олти бараваригача миқдорда, ҳақорат қилиш учун унинг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима кўринишида маъмурий жавобгарликка тортилади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-41-моддалари). Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин тўхмат ва ҳақорат қилишни такрор амалга оширганлик учун энди ушбу қилмишлар жиноят қонуни билан жазоланади ва янада қатта жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонуннинг 3-моддасига кўра фуқаролар, шунингдек хорижий давлатларнинг фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва муассасаларига ёзма ҳамда оғзаки шаклларда мурожаат этиш ҳуқуқига эгалар. Моҳиятни баён этишдан ташқари, фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми) ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш мурожаатларга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳисобланади, чунки ушбу маълумотларсиз, шунингдек имзо қўйилмаган ёки сохта маълумотлар кўрсатилган мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди (Қонун 6-моддасининг учинчи қисми). Бундан ташқари, агар шахснинг мурожаатида тўхмат ва ҳақорат қилишлар мавжуд бўлса, ариза берувчи тўхмат учун энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олти бараваригача миқдорда, ҳақорат қилиш учун унинг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима кўринишида маъмурий жавобгарликка тортилади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-41-моддалари). Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин тўхмат ва ҳақорат қилишни такрор амалга оширганлик учун энди ушбу қилмишлар жиноят қонуни билан жазоланади ва янада қатта жавобгарликка сабаб бўлади.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Фуқаро шахсан мурожаат қилишга, шунингдек бунга доир ўз ваколатини ўз вақолига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Унга мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган мавжуд ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Ариза, таклиф ва шикоятлар бевосита воколатларига уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш қирадиган давлат органига ёки юқори турувчи органга берилади. Бироқ агар фуқаро воколатларига қўйилган

масалаларни ҳал қилиш қирадиган органга мурожаат қилган бўлса, ушбу орган беш кундан кечиктирмай уни тегишли органларга қайтадан йўналтириб, буни фуқарога хабар қилиши керак.

Мурожаат қилиш учун мурдат фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил бўлиши мумкин. Бироқ ҳатто бу мурдат туғанидан кейин ҳам мурожаат қилиш мумкин, чунки агар мурдат узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, уни ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи орган тиклаши мумкин (Қонуннинг 16-моддаси).

Фуқароларни мансабдор шахслар белгиланган кунлар ва соатларда, фуқаролар учун қўлай бўлган вақтда қабул қилишлари керак. Агар унинг қайта-қайта мурожаатлари асосиз, ноқонуний тусда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлсагина қабул қилишдан бош тортишлари мумкин. Ҳар ҳолда фуқарога органнинг бўйсунуви тартибида ёки бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек Қонун 3-моддасининг бешинчи қисмига кўра фуқароларнинг мурожаатлари, агар қонунларда уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу тартибда кўриб чиқилмайди.



Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ қаролар учун қўлай бўлган вақтда қабул қилишлари керак. Агар унинг қайта-қайта мурожаатлари асосиз, ноқонуний тусда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлсагина қабул қилишдан бош тортишлари мумкин. Ҳар ҳолда фуқарога органнинг бўйсунуви тартибида ёки бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек Қонун 3-моддасининг бешинчи қисмига кўра фуқароларнинг мурожаатлари, агар қонунларда уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу тартибда кўриб чиқилмайди.

мурожаатни объектив кўриб чиқиш учун давлат органи мустақил равишда қўшимча ахборот тўплашга ёки жойининг ўзига

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси

Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

чиқишга ҳақлидир ва фақат фавқулодда ҳолларда, мурожаатни ариза берувчининг йўқлигида кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда орган уни қақариши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида шахс кўриб чиқишининг бориши тўғрисидаги барча ахборотни олишга, текшириш материаллари билан танишишга, қўшимча материаллар тақдим этишга ёки уларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақлидир.

Давлат органига келиб тушган таклифлар бир ой ичида кўриб чиқиши керак, таклифлар қўшимча ўрганишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно, бу ҳақда шахсга ўн кундан кечиктирмай хабар қилинади. Ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай, бироқ агар уларни қўшимча равишда ўрганиш ва текширишлар ўтказиш талаб қилинса – бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Истисно тартибда мурдатлар узайтирилиши мумкин, бироқ бир ойдан кўп мурдатга узайтирилмайди.

Давлат органининг мажбуриятларига қўйиладиган қиради:

- фуқарога мурожаатни кўриб чиқиш натижалари ва юқорида кўрсатилган мурдатда қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиш;
- агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириш;
- мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиш, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши нати-

жасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриш.

Мансабдор шахслар фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгар бўладилар. Чунончи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига кўра фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни гайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш мурдатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асосиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул

қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиддий зарар етказса бу энди жиноят ҳисобланиб, у жиноят кодекси 144-моддасининг биринчи қисмига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд олти ойгача қамқоқ билан жазоланади. Фуқарони давлат органига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид учун мансабдор шахс томонидан танқид қилиш эса жиноят кодекси 144-моддасининг иккинчи қисмига кўра ЭХИҲнинг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликтан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Мен газеталар тахририятларига саволларимга жавоб беришларини сўраб бир неча марта мурожаат қилдим, бироқ, афсуски, жавоб ола олмадим. Наҳотки қонунчиликда фуқароларнинг жавобларига мажбурий тарзда жавоб бериш назарда тутилмаган бўлса?

– Юқорида кўрсатилган мурожаат қилиш тартиби фақат давлат органлари ва муассасалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланган асосиз, ноқонуний ахборот воситалари эса оммавий ахборотни даврий тарқатиш шакли ҳисобланади (2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон Қонун билан тасдиқланган тахрирда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси). ОАВни таъсис этиш ҳуқуқига юридик ва жисмоний шахслар эгадир. Ҳатто агар, масалан, газета муассасаларидан бири давлат органи бўлса, – бу ҳол газетанин ўзи давлат органи ҳисобланиши ва унга фуқаролар билан иш-лашнинг юқорида кўрсатилган тартиби татбиқ этилишини аниқламайди. Шу сабабли газеталар фуқароларнинг барча мурожаатларига жавоб беришга ва улар билан ёзилиб туришга (масалан, барча саволларга албатта жавоб бериш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ва ҳатто улар низоларининг суд муҳокамасида иштирок этиш ва ҳоказоларга) мажбур эмаслар. ОАВ жамоасининг асосий фаолияти улар босма нашрини, радио ёки теледестурларни чиқариш ҳисобланади. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига кўра ОАВ муассис органларнинг

расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий тартибда чоп этади. Барча ОАВларда фавқулоддаги вазиятлар тўғрисида шошилиш хабарлар ёки ваколатли давлат органларининг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш учун хабарлари ҳам чоп этилиши керак. Тахририятни шунингдек суд қонуний қучга кирган, уни чоп этиш тўғрисида кўрсатма бўлган суднинг ҳал қилув қарорини бепул чоп этишга мажбур қилиши мумкин. **Бошқа ҳар қандай ахборот тахририят билан тузилмаган шартнома асосида, яъни тарафларнинг келишуви бўйича чоп этилади. Шу тарзда газеталар ҳам, бошқа ҳар қандай оммавий ахборот воситалари сингари, газетхонлар билан ёзишмалар олиб беришга мажбур эмаслар.**

Бундан ташқари, «Фуқароларнинг мажбуриятлари тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмида белгила-нишчи, «Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва ақс эфти-риш учун фойдаланилиши мумкин».

Мария ТУХТАРОВА, «Норма» МЧЖ юристи.

ҲИССАГА БАҲОНИ ЎЗИМ БЕРАМАН



Хусусий корхона муассиси сифатида унга раҳбарлик қилиши, шартномалар тузиши, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга имзо чекиши учун директор тайинламоқчи эдим. Бироқ бунга рад жавоби бериб, сабаб қилиб «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунни кўрсатишмоқда, унга кўра мен корхонага шахсан раҳбарлик қилишим ва барча ҳужжатларга имзо чекишим шарт, чунки унинг барча мажбуриятлари бўйича ўзимнинг мол-мулк билан жавоб бераман. Бироқ мен ХК муассиси директорни тайинлаган ва корхона бир неча йиллар давомида назорат қилувчи органлар томонидан ҳеч қандай танбеҳларсиз ишлаган ҳолларни биламан. Агар шундай қилиш қонунга зид бўлмаса, нима учун ўз ўрнимга директорни тайинлаш имкониятига рад жавоби оляпман?

Бундан ташқари, мен устав фондини кўпайтиришни ва унга жисмоний шахс сифатида ўзимга тегишли бўлган бинони бозор баҳоси бўйича, у кадастр баҳосидан анча юқори, киритишни хоҳлардим. Бироқ ҳокимлик инспекциясида аризамни қаноатлантиришмади. Уларнинг айтишича, қийматни кадастр бўйича ҳисоблаш керак экан, бинони ихтисослашган фирма баҳолашни талаб қилишмоқда, ҳолбуки Қонунда мулкдор ХКнинг устав фондига киритиладиган мол-мулкни мустақил равишда баҳолайди деб ёзилган. Инспекция тўғри талаб қияптими?

Р.Усмонов.

Сиз ХК мулкдори сифатида раҳбар ҳуқуқларида мазкур корхонага яқин ўзини баҳолашнинг шартномалар тузишининг, банкларда ҳисобрақамлар очишининг, буйруқлар чиқаришининг, ишончномалар беришининг ва ҳоказоларни амалга оширишининг шарт (2003 йил 11 декабрдаги 558-И-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун 14-моддаси ва 15-моддаси учинчи қисмининг учинчи хатбоши маъносидан келиб чиқиб, бундан кейин – Қонун). Шу муносабат билан ўзининг ўрнига хусусий корхонага раҳбарлик қиладиган директорни тайинлашга унинг мулкдори ҳақли эмас. Корхона мулкдорининг вақтинча бўлмаслиги ушбу талабдан ягона истисно ҳисобланади. Ушбу ҳолда унга раҳбарнинг мажбуриятларини бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш ҳуқуқи берилади.

Ушбу меъёр акс этган Қонуннинг 16-моддаси таҳлили ХК мулкдорининг бўлмаслик мурдати, бинобарин, бошқа жисмоний шахс томонидан корхонага

раҳбарлик қилиш мажбуриятларини бажариш мурдати ҳам аниқ вақт чегаралари билан чекланмаган деган ҳулоса чиқариш имконини беради. Асосийси, ХКни бошқариш бўйича мажбуриятлар бошқа жисмоний шахс зиммасига юкланадиган ҳужжатларда (буйруқда, меҳнат шартномасига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги битимда ёки янгидан тузилаётган меҳнат шартномасида) мазкур ҳолнинг вақтинча тусдалиги қайд этилган.

Фикримизча, мулкдор корхонага вақтинча раҳбарлик қила олмайдиган сабаб расмий ҳужжатлар билан тасдиқлангани керак. Чунончи: – мулкдор хизмат сафарига жўнаб кетганида бундай ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади – хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқ, мулкдорнинг жўнаб кетганлиги тўғрисида тегишли ёзув қайд этилган ҳолда хизмат сафарига жўнаб кетган ходимларни ҳисобга олиш журнали;

– касал бўлиш сабабли мулкдор меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, оиланин бемор аъзосига қараб туриш зарурати туғилганда – меҳнатга лаёқатсизлик варақаси;

– унга мувофиқ мулкдор раҳбарлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинадиган суд ҳукми кучга кирганда – суд ҳукмининг нусхаси.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммасига яқун ясаймиз.

1. Мулкдор ўзининг ўрнига ХКнинг доимий директорни этиб бошқа жисмоний шахсни тайинлашга ҳақли эмас.

2. Агар бирор-бир сабабларга кўра мулкдорнинг корхонада бўлиши ва унга тўлақонли раҳбарлик қилиши вақтинча мумкин бўлмай қолса, у мазкур мажбуриятларни ўзининг вақтинча бўлмаслик мурдатида бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш ҳуқуқига эгадир. ХКнинг устав фондига киритиладиган мол-мулкни баҳолашга келсак, бунда: – биринчидан, уни мулкдор мустақил равишда амалга оширади (Қонун 12-моддасининг иккинчи қисми). Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг устав фонди кўпайиши боис таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгаришларини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши нотўғри;

– иккинчидан, ҳатто агар баҳолаш ташкилотига мурожаат қилган бўлсангиз ҳам, ҳиссангизни мутахассислар унинг кадастр баҳосидан эмас, балки бозор баҳосидан келиб чиқиб баҳолашлари керак эди. Мазкур қоида «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун (1999 йил 19 августдаги 811-И-сон) 7-моддасининг иккинчи қисмидан келиб чиқадиган, унга мувофиқ, агар баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги талабни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатда баҳонинг муайян тури белгиланмаган бўлса (сизнинг ҳолатингизда шундай) бозор баҳоси белгилашни керак. Инспекциянинг мансабдор шахслари томонидан

мазкур ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги боис, бу эса хусусий корхонанин мустақиллигини тўғридан-тўғри чеклашдир, унинг мулкдорига ХКнинг таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришларни рўйхатдан ўтказишни инспекция ноқонуний равишда рад этганлиги хусусида шикоят билан адлия органларига мурожаат қилишни тавсия этамиз. Ушбу органлар тадбиркорлик субъектларини ва уларнинг таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказишни белгиланган тартибга оғишмай риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эгалар. Шикоятни кўриш учун қабул қилиб, улар унга доир тегишли чоралар кўришга мажбурлар (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги тўғрисида низом 7-банди 8-кичик бандининг олтинчи хатбоши, АВ, ИВ ва ДМҚнинг АВ томонидан 2003 йил 27 сентябрда 1279-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомнинг 54-банди).


Келиб тушган шикоятни текшириш давомида МЖТКнинг 241-1-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган тақдирда адлия органларининг инспекторлари баённома тузадилар (МЖТКнинг 279-моддаси) ва уни ишнинг бошқа материаллари билан бирга маъмурий ишлар бўйича судьяга юборадилар. Суд терговини ўтказиш яқунлари бўйича тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг қонун талабларига риоя этган ҳолда унинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни рўйхатдан ўтказишда хусусий корхонага рад жавоби бериш хусусида ноқонуний қарор қабул қилган мансабдор шахслари қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўқсизлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Екатерина БУХТИЯРОВА, «Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

УШБУ АЛОҚАЛАР ҚАНЧА ТУРАДИ?

? Масъулияти чекланган жамиятимиз аҳолига шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматларини кўрсатади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан маълум қилишларича, шаҳарда сўзлашув пунктини очиб учун ЎзААА лицензиясини олиш лозим, у маҳаллий алоқа пункти учун энг кам иш ҳақи миқдорининг 30 бараварини, шаҳарлараро алоқа пункти учун 200, халқаро алоқа пункти учун 800 бараварини ташкил қилади. Бунда ушбу суммаларни бир марта эмас, ҳар йили тўлаш лозим. Бу ҳол қонун талабларига қанчалик мувофиқ? Яна бир савол: агар биз халқаро сўзлашувлар пунктини очишга лицензия олсак, шаҳарлараро ва маҳаллий алоқа хизматларини кўрсатишга лицензияни расмийлаштиришимиз керакми?

Р.Иномов,
МЧЖ юристи.



– Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарори билан телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш учун давлат божи миқдорлари тасдиқланган. Хусусан, халқаро алоқа сўзлашув пунктини очиб ҳуқуқига лицензия учун бож ЭКИХнинг 800 бараварини, шаҳарлараро пункт учун 200, маҳаллий алоқа пункти учун 30 бараварини ташкил қилади, бунда сизнинг МЧЖ қишлоқ жойда хизматлар кўрсатадиган кичик тадбиркорлик субъектларига кирмаслиги керак. Бундан ташқари, лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўрилганлиги учун ҳар бир фаолият тури бўйича ЭКИХнинг беш баравари миқдорига йигим ундирилади.

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг (бундан кейин – Низом, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида» 458-сон қарори билан тасдиқланган) 41-бандига кўра божни лицензия олиш пайтида бирийўла ёки ҳар йили унинг амал қилиш муддати мобайнида тенг улушлар билан тўлаш мумкин. Бунда навбатдаги йиллик тўлов лицензиядан фойдаланишнинг кейинги йили бошланишига қолган 30 кундан кечиктирмай тўланади. У белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда лицензиянинг амал қилиши тўхтатилади.

Низомнинг 11-бандига мувофиқ маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро тармоқлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишга лицензиялар 15 йил муддатга, бироқ 5 йилдан кам бўлмаган муддатга берилди. Агар сиз маҳаллий алоқа телекоммуникация хизматларини кўрсатишга, айтайлик, 10 йил муддатга лицензия олган бўлсангиз, бирийўла ёки 10 йил мобайнида тенг улушлар билан давлат божи тўлашингиз, яъни ҳар йили унинг ўндан бир қисмини тўлашингиз мумкин. Агар сиз 7 йилга лицензия олсангиз, тегишинча, ЭКИХ 30 бараварининг 1/7 қисмини

тўлайсиз. Шу тариқа, лицензия тўловининг йиллик суммаси, агар давлат божи бирийўла тўланмаган бўлса, лицензиянинг амал қилиш муддатига боғлиқ бўлади.

Телекоммуникациялар маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқлари хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини лицензиялашга келсак, Низомнинг 8-бандига мувофиқ ҳар бир лицензияланадиган фаолият турига алоҳида лицензия берилди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида давлат божи тўланади.

Юқорида айтилганидек, буларнинг ҳаммаси шаҳарда жойлашган сўзлашув пунктига тааллуқли. Бир вақтда қишлоқ жойда телекоммуникацияларнинг халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар олинганида улар шаҳарлараро ва маҳаллий тармоқлар хизматларига давлат божини тўламай берилди.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖ
эксперт-юристи.

ЛИЦЕНЗИЯСИЗ, БИРОҚ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИБ

? Мен Тадбиркор ногиронлар уюшмаси таъсис этган ногиронлар шўба корхонасининг директори-ман. Фаолиятимизнинг асосий тури бухгалтерия ҳужжатларини муқовалаш ҳисобланади. Корхонада ногирон ходимлар миқдори 60%дан кўпроқни ташкил қилади. Барча муқовалаш ишлари улар ҳузурига бориш йўли билан буюртмачилар ҳудудида амалга оширилади.

Корхонамиз Матбуот ва ахборот агентлигидан лицензия ҳамда ИИВдан кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга рухсатнома олиши керакми?

Корхона директори.

– Бухгалтерия ҳужжатларини муқовалашга Матбуот ва ахборот агентлигидан лицензия олиши амалдаги қонунчилик талаб қилмайди.

Бироқ сиз кўрсатган фаолият тури – «муқовалаш» – Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган) 2-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ матбаа фаолиятига кирди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 3-бандига кўра матбаа корхоналари ўз фаолиятини Ўзбекистон-матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтказган ва Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органларида ҳисобга қўйилгандан кейин амалга ошира олади.

Шу тариқа, қонун талабларидан келиб чиқиб, сиз бухгалтерия ҳужжатларини муқовалаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтишингиз ва Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органларида ҳисобга туришингиз лозим.

Муқовалаш хизматларини кўрсатиш жойи, корхонадаги ногиронлар миқдори, шунингдек бошқа омиллар агентликда рўйхатдан ўтиш ва ички ишлар органларида ҳисобга туриш мажбуриятига таъсир қилмайди.

Артём АДЕЕВ,
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

ИШТИРОКЧИНИНГ МЧЖдан ЧИҚИШИ

ИШТИРОКЧИНИНГ МЧЖдан ЧИҚИШИ ВА ЧИҚАРИЛИШИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУШКУЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА ҲАМДА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА БАЪЗИ ТАВСИЯЛАР

Жамият иштирокчисининг МЧЖдан ихтиёрий чиқиши ва мажбурий чиқарилиши Фуқаролик кодекси ҳамда 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) билан тартибга солинади.

ИХТИЁРИЙ ЧИҚИШ

Иштирокчи исталган вақтда ўз улушини сотиб ёки бошқача тарзда бериб, жамиятдан чиқишга ҳақлидир. Ушбу шубҳасиз ҳуқуқ уни амалга оширишнинг алоҳида ҳолатлари юзага келганида МЧЖ учун ҳам, унинг иштирокчилари учун ҳам бир талай салбий оқибатларга, ҳатто банкротликка, кредиторлар ҳуқуқларининг камситилишига, жамиятни тугатишга олиб келиши мумкин. Жамиятдан чиқаётган иштирокчи учун ҳам, жамият учун ҳам салбий оқибатларга йўл қўймаслик учун Қонун ушбу жараённинг барча муҳим жиҳатларини МЧЖ таъсис ҳужжатларида тартибга солишни тавсия қилади.

Муассисларнинг жамиятдан чиқиши билан боғлиқ баъзи бир энг кўп тарқалган, тартибга солилмаган ҳолатларни кўриб чиқамиз.

БИРИНЧИ ҲОЛАТ

Қонуннинг 8, 20-моддалари иштирокчининг жамият устав фондидаги ўз улушини унинг бир ёки бир неча иштирокчисига, шунингдек учинчи шахсларга, агар бу нарсани жамият устави тақиқламаса, сотиш ёки бошқача тарзда бериш ҳуқуқини назарда тутди. Қонунда иштирокчининг ўз улушини шахсларнинг аниқ белгиланмаган катта миқдорига беришига тўсқинлик қилувчи қоида-

лар мавжуд эмас. Яъни, у ўз улушини нафақат бир-икки шахсга, балки беш нафар ва ундан кўп учинчи шахсларга бериш ҳуқуқига эгадир. Натижада нима юз бериши мумкин? Масалан, 48 аъзога эга бўлган МЧЖ иштирокчиси ўз улушини уч нафар учинчи шахсга беришга (бу билан шахсий ҳисобварақларини йўқ қилиб) қарор қилди. Бу эса жамият аъзолари сонини 51 иштирокчига қадар кўпайтиради. Қонун 7-моддасининг олтинчи қисмига кўра эса МЧЖ иштирокчилари сони эллик нафардан ошиши мумкин эмас. Агар у 50 нафардан ошиб кетса, жамият йил мобайнида очик акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилиши керак. Бу эса узоқ давом этадиган ва қиммат турадиган жараёндир. Акс ҳолда МЧЖ тугатилиши керак. Иштирокчилар миқдорини сунъий равишда қисқартириб, қонун билан белгиланган миқдорга қайтиш – мураккаб ва оғриқли масала. Бундай эҳтимолий хавфнинг олдини қандай қилиб олиш мумкин?

Жамият таъсис ҳужжатларида қуйидаги вариантларни назарда тутиш мумкин.

А варианты. Таъсис ҳужжатларига тахминан қуйидаги қоида киритиш: «Ўз улушини тўлиқ ёки қисман бериш ниятида бўлган Жамият ишти-

рокчиси бундай беришга олдиндан Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигини олиши керак».

Шу ернинг ўзида хабардор қилиш таомилини тавсифлаш керак. Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмига кўра ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда МЧЖ қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. МЧЖ устава хабарнома иштирокчиларга жамият орқали юборилиши назарда тутилиши мумкин. Жамиятдан чиқаётган, сотишга розилик олган иштирокчи бир ойлик муддатни (ёки устав билан белгиланган бошқа муддатни) кутиши керак, унинг мобайнида бошқа иштирокчилар ёки жамиятнинг ўзи сотилаётган улушни сотиб олиш устувор ҳуқуқидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни ҳал қилиши керак. Агар улар улушдан воз кечишса, иштирокчи уни жамиятга ва унинг иштирокчиларига маълум қилинган нархда ва шартларда учинчи шахсга сотиши мумкин.

Б варианты. Жамиятнинг устав ҳужжатларига «Жамият иштирокчисининг ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга беришига йўл қўйилмайди» қоидасини киритиш. Бу ҳолда унинг бошқа иштирокчилар ёки жамиятнинг ўзи томонидан харид қилиниши мажбурийлиги назарда тутилади.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ

Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига кўра МЧЖ

иштирокчиси жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида, таъсис шартномаси ва устав ана шундай ҳужжатлар ҳисобланади, назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақлидир. Бу меъёرنинг қатъий меъёр эканлигини назарда тутиш лозим. Шу боис таъсис ҳужжатларида фақат жамиятдан чиқиш тартибини назарда тутиш мумкин. Иштирокчиларни ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилувчи ёки уни чекловчи ҳар қандай шартлар эса кучга эга бўлмаган (ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирмайдиган) деб эътироф этилади. Агар жамиятдан чиқувчи иштирокчи жамият устав фондининг, масалан, олтмиш фоизга эгаллик қилса, унда нима юз беради? Жамият ва унинг иштирокчиларида пул маблағларининг йўқлиги туфайли бундай катта улушни сотиб олиш устувор ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам, одатда, агар жамият банкрот бўлса, ўз мол-мулкни «қутқариб қолишга» улгуриш, уни кредиторлар ўртасида тақсимлашга йўл қўймаслик ниятида унинг учун оғир вақтларда юзага келади.

Бу ҳолда қуйидагиларни назарда тутиш лозим.

Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига кўра МЧЖдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият бундай иштирокчига охириги ҳисобот даври учун МЧЖ бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланадиган улушининг ҳақиқий қийматини тўлаши ёки унинг розилиги билан иштирокчига худди

шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Жамиятга таъсис ҳужжатларида бундай иштирокчининг чиқиши, унинг улуши бошқа иштирокчиларга ёки жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш муҳим. Хусусан, ушбу муаммони устав фондини камайтириб ҳал этиш мумкин. Бу ҳолда камайтириш тартибини кўрсатиш лозим.

Яна бир жиҳат. Иштирокчи жамиятни ва унинг бошқа иштирокчиларини ундан чиқиши тўғрисида, одатда, ёзма ариза бериш йўли билан хабардор қилади. Бироқ у аризани у билан узил-кесил ҳисоб-китоблардан кейин ҳам, ундан олдин ҳам қайтариб олиши мумкин. Жамият унинг аризани қайтариб олиш тўғрисидаги илтимосини қаноатлантиришни рад этган тақдирда эса иштирокчи суд тартибида, ФКда назарда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга биноан (масалан, ариза зўравонлик, таҳдид солиш таъсирида ёки жамият иштирокчиси ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунишга ёки уларни бошқаришга қодир бўлмаган ҳолатдаги пайтда ариза берилганлиги асослари бўйича) низолашишга ҳақлидир. Жамиятни бундай фикрдан қайтадиган ёки мажбур қилинадиган иштирокчилардан қандай ҳимоя қилиш мумкин?

Устав ёки таъсис ҳужжатларида жамиятни ёки унинг иштирокчиларини улардан бири чиқиши тўғрисида хабардор қилишнинг алоҳида шартларини батафсил келтириш мумкин. Масалан, гувоҳлар – манфаатдор бўлмаган

¹Қонун 11-моддасининг биринчи қисми. Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади (Қонун 11-моддасининг иккинчи қисми).



ИШТИРОКЧИНИНГ МЧЖдан ЧИҚИШИ

5-бегда шахслар хузурида. Шунингдек бундай ариза қайтариб олинган мuddат (масалан, икки ҳафта) белгиланиши ва унинг тугашига қадар ҳисоб-китоблар бўйича ҳеч қандай ҳаракатлар қилмаслик мумкин.

БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ТАШАББУСИГА КўРА

МЧЖ иштирокчисини чиқариш институти жамиятни бир иштирокчининг суистеъмоликларидан ҳимоя қилиши керак. Бироқ уни ноҳақ қўллаш чиқарилаётган иштирокчининг мулкчи манфаатларини бузишга қодир. Тарафлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш учун таъсис ҳужжатларида чиқариш асослари ва тартибининг Қонунда назарда тутилганидан янада батафсилроқ белгиланиши талқин этиш мумкин. Бу муҳим ва қонуний йўлдор, зеро корхона ҳужжатларида мураккаб вазиятларни батафсил тартибга солиш Қонуннинг ўзида назарда тутилган.

Жами улушлари жамият устав фонднинг (устав капиталнинг) камида ўн фоизини ташкил этадиган² жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар (Қонун 8-моддасининг иккинчи қисми).

Мажбуриятларни кўпол бузиш нима? Иштирокчининг қандай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) жамият фаолият кўрсатишига имкон бермайдими? Унинг фаолиятини жиддий тарзда қийинлаштириш нимани англатади? Моддада айтиб ўтилган асосларни турлича талқин қилиш мумкинлиги уларнинг қўлланилишини асосларнинг эҳтимолий аниқ-амалий мазмунига нисбатан судлар (судьялар) хоҳишига боғлиқ қилиб қўяди.

Мамлакатимиз ҳамда хориж амалиётида МЧЖ иштирокчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) унинг фаолият юритишига имкон бермайдиган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштиришидан гувоҳлик берадиган ҳолат бўлиб аввало унинг барча иштирокчилари яқдиллигини талаб қиладиган масалалар бўйича қарор қабул қилиш имкониятидан маҳрум қиладиган, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этишдан узорли сабабларсиз мунтазам бўйин товлаш ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик кўпол ҳисобланиши ҳисобланмаслиги масаласини ҳал

қилаётганда, хусусан, иштирокчининг йиғилишларга келмаслигидаги айбининг даражаси, жамият учун бу салбий оқибатларга олиб келиши ёки олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга кўра қуйидагилар бир овоздан ҳал қилишни талаб этадиган масалаларга киради:

– иштирокчи улушининг энг юқори миқдорини, шунингдек жамият иштирокчилари улушларининг нисбатини ўзгартириш имкониятини чеклаб қўйиш тўғрисидаги қоидаларни қабул қилиш, шу жумладан ушбу қоидаларни ўзгартириш ва жамият уставидан чиқаришлар (Қонуннинг 14-моддаси);

– жамият иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамият устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси, уни жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори тасдиқлайди (Қонуннинг 15-моддаси);

– жамият иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (жамият иштирокчиларининг аризалари) ва (ёки), агар бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) уни (уларни) жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (аризалари) асосида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш (Қонуннинг 18-моддаси);

– жамият уставига улушни (улушнинг бир қисмини) жамият иштирокчилари улушларининг миқдорларига номутаносиб равишда сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш тартибини белгилаш, шунингдек жамият уставига ўзгартишлар киритиш ва ундан бундай қоидаларни чиқариб ташлаш (Қонуннинг 20-моддаси);

– улушни жамият иштирокчиларига сотиш, бунинг натижасида унинг иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгаради, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек жамият ҳужжатларида улушни сотиш билан боғлиқ ўзгартишларни киритиш (Қонуннинг 23-моддаси);

– мол-мулкни ундирув қаратилган жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қийматини кредиторларга жамиятнинг қолган иштирокчилари томонидан, агар жамиятнинг уставига ёки жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарориди ҳақ тўлаш миқдорини аниқлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, уларнинг жамият устав фондига (устав капи-

талидаги) улушларига мутаносиб равишда тўлаш тўғрисидаги қарор (Қонуннинг 24-моддаси);

– бундай қарорлар қабул қилиш учун жамият иштирокчилари овозлари сонини аниқлаш тартибини белгилайдиган жамият устав қоидаларини ўзгартириш ва чиқариб юбориш (Қонуннинг 34-моддаси);

– жамият устав фонди (устав капитал) миқдорини ўзгартириш, шу-

лик асослар бўйича кўриш амалиётини умумлаштириш ушбу соҳадаги муносабатларни барқарорлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлув эди. Бироқ ҳозирча бундай умумлаштириш мавжуд эмас ва тадбиркорларнинг қарорларни суд улар келтирадиган далилларнинг ишонарлиги ва шубҳасизлигига боғлиқ ҳолда қабул қилишини ҳисобга олишига тўғри келади.

2) биринчи МЧЖга нўноқлик билан раҳбарлик қилинган, натижада у тугатилган;

3) В. ва Л. бир неча марта судга умумий йиғилиш қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъволар билан мурожаат қилишган. Хусусан, улгуржи савдога лицензия олиш учун жамият устав фондига кўпайтириш тўғрисидаги қарор устидан В. ва Л. судга шикоят қилишган, чунки улар ушбу йиғилишда иштирок этишмаган эди. С. ва Д. ўз позицияларини далиллаб, В. ва Л.нинг ҳуқуқлари бузилмаганлигини кўрсатишди, чунки барча иштирокчиларнинг улушлари мутаносиб равишда кўпайган.

Суднинг қарори билан умумий йиғилишнинг қарори бекор қилинган, устав фонди эса дастлабки ҳолатига келтирилган. Устав фонднинг камайиши натижасида лицензия бекор қилинган, битимлар бўйича олинган барча маблағлар эса давлат даромадига ундирилган, бу эса жамиятнинг бусиз ҳам оғир бўлган молиявий ҳолатини янада ёмонлаштирган;

4) В. ва Л. текширувлар ташаббусқори бўлган, С. ва Д. нинг фикрича, улар асосланмаган эди. Зеро ҳар қандай аудиторлик текшируви – қўшимча пул ҳаражатлари, «... бу эса уларнинг ҳаракатлари жамиятни хонавайрон қилишга қаратилганлиги тўғрисида гувоҳлик беради».

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини ўрганиб ва текшириб, қуйидаги хулосага келди.

Бизнесни тақсимлаш жамиятни қайта ташкил этишни назарда тутади. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 30, 49-моддаларининг талабларига кўра жамият иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига кўра Қонунда назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил қилиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради. Шу сабабли суд В. ва Л. нинг даъвосини рад қилди. С. ва Д. нинг МЧЖдан В. ва Л. ни чиқариш тўғрисидаги талабларини эса қондирди, бунда С. ва Д. келтирган асосларни етарли деб ҳисоблади. Суд аниқлаштирди: «2002 йилдан бошлаб МЧЖ муассислари ўртасида доимо ихтилофлар юз бермоқда, буни муассислар умумий йиғилишининг баённомалари тасдиқлайди».

Келтирилган мисол, фикримизча, бундай жараёнларнинг мураккаблигини ҳам, ҳар бир тараф судда ўз позициясини қурадиган исботлаш базасининг муҳимлигини ҳам яққол кўрсатади. Бунда таъсис ҳужжатларининг батафсил тузилганлиги ва жамиятга раҳбарлик қилишни акс эттирадиган материалларнинг пухта расмийлаштирилганлиги ғоятда муҳим роль ўйнайди.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.



нингдек бошқа юридик шахслар, жамият ваколатхоналари ва филиалларини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Қонун 34-моддасининг ўнинчи қисми).

Кўриб турибмизки, ноҳалол иштирокчиларнинг йиғилишда иштирок этишдан бўйин товлаши ва бу билан жамиятнинг бир маромдаги фаолиятга тўсқинлик қилишининг бир қатор ҳолатлари мавжуд. Бироқ суд мунтазам бўйин товлаш деб қабул қилиши учун йиғилишда неча марта (икки, уч, тўрт марта?) иштирок этмаслик лозимлиги барибир равшан эмас. Суддан унинг ҳаракатларини бўйин товлаш (йиғилишга келмаслик, иштирок этишдан бош тортиш, йиғилишдан овоз берилгунга қадар кетиш) деб эътироф этишни талаб қилиб, иштирокчини жамиятдан чиқаришга ҳаракат қилаётган аризалар билан нимани исботлашлари керак?..

Жамиятдан чиқариш учун кейинги асос ўз мажбуриятларини кўпол равишда бажармаслик ҳисобланади. **Жамият иштирокчиларининг Қонун 9-моддасида назарда тутилган мажбуриятларига қуйидагилар киради:**

– Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорларда, усулларда ва мuddатларда ҳисса қўшиш;

– жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни³ ошкор қилмаслик.

МЧЖ иштирокчилари қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Иштирокчининг мажбуриятлари тушунарли бўлди дейиш мумкин. Бироқ суд учун уларни бузишнинг кўполлиги нимани англатади?

Судларда ишларни жамиятдан муассисларни чиқариш билан боғ-

Суд амалиётидан мисол. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра жамиятдан унинг икки иштирокчиси чиқарилди.

Тўрт шахс – В., Л., С. ва Д. икки МЧЖ тузишди. Уларнинг ҳар бирида муассислар устав капиталнинг 25 фоизига эга эди. В. ва Л. биринчи жамиятда, С. ва Д. эса иккинчи жамиятда раҳбарлик лавозимларини эгаллашга келишиб олинди. 2005 йилда биринчи жамият молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги туфайли ДСИ ҳўжалик судига уни тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Даъво қондирилди ва МЧЖ фаолият юритаётган корхоналар реестридан чиқарди. Иккинчи жамият эса ўз фаолиятини амалга ошириш ва фойда олишда давом этди. Бироқ аста-секин тўрт муассис ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Юзага келган низоларни ўзлари ҳал қила олмади, улар судга мурожаат қилишди.

В. ва Л. уларнинг улушларини С. ва Д. раҳбарлик қилаётган корхонадан ажратиш тўғрисида даъво аризаси беришди. Бироқ суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилганидан кейин, ўз улушларининг пул ифодасидаги миқдорига рози бўлмаган даъвогарлар аввалги даъво эътирозларини ўзгартириб, С. ва Д. билан бизнесни ва МЧЖнинг бутун моддий-техника базасини муассисларнинг жамият устав фондига улушларига мувофиқ қисмларга бўлиш, яъни ҳар бир муассисга 1/4 қисмни бериш талабини қўйдилар.

Жавобгарлар даъвогарларнинг даъво талабларини тан олмадилар ҳамда **В. ва Л. ни жамиятдан чиқариш тўғрисида** муқобил даъво аризаси бердилар. Ўз талабларини улар қуйидагича асосладилар:

1) В. ва Л. жамият фаолиятини тугатишни хоҳладилар, умумий йиғилиш баённомалари шундан гувоҳлик беради;

² Судга бундай ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқини берадиган ҳал қилувчи ҳолат бўлиб жамият устав капиталдаги улушнинг миқдори ҳисобланади. Нафақат улушлари жамлиқда устав капиталнинг камида 10%ини ташкил қиладиган бир неча иштирокчи, балки, башарти унинг улуши 10% ва ундан кўпни ташкил қилса, улардан бир нафари ҳам бундай ҳуқуққа эгадир.

³ Корхонанинг ички меъёрий ҳужжатиди сир сақланадиган маълумотларга нималар киришини имкони борича батафсил ва аниқ назарда тутиш ҳамда улардан хабардор бўла оладиган шахслар доирасини белгилаш лозим.

Хорижий тажриба

КИПР ДИВИДЕНДЛАРИ – ЎЗГАЧА ДИВИДЕНДЛАР

Кипр Республикасида рўйхатдан ўтказилган чет эл фирмаларидан дивидендлар оладиган россиялик компаниялар дивидендлардан олинган фойда солигининг ноль даражаси ставкасига даъво қилсалар бўлади. Бироқ бу Кипр имтиёзли солиқ режими тақдим этадиган ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ва ҳудудлар рўйхатидан чиқарилганидан кейингина мумкин бўлади. Қолганларнинг 2008 йил 1 январдан кучга кирган тузатишларга мувофиқ 9 фоиз миқдорда дивиденд солигини тўлашлари тўғри келади. Лекин агар бу давлат россиялик солиқчилар билан фаол ахборот алмасмагани, Кипрни қора рўйхатдан чиқарадилар. Бу ҳол бир йилдан кейин юз берса керак. Юқорида айтиб ўтилган қарорлар Россия ва Кипр ҳуқуқатлари ўртасидаги битим туфайли амалга оширилди.

СОЛИҚ ТўЛАШНИ УНУТМАНГ!

Байрам арафасида, одатда, кўп сонли лотереялар ва совринли ўйинлар ўтказилади. Россия Молия вазирлигининг тушунтириш беришича, йил давомида умумий қиймати 4 000 рублдан юқори бўлган совринларни оладиган омадилар ташкилотни ўз-ўзидан жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ бўйича солиқ агенти ролига «олиб ўтадилар». Бундан ташқари, компания рағбатлантирувчи лотереялар ўтказилаётганда ютуқлари ҳатто 4 000 рублдан ошмайдиган совринлар эгаси бўлган жисмоний шахсларнинг ҳам шахслаштирилган ҳисобини юритиши шарт.

ТАНЛОВ ЧАЛФИТМОҚДА

Россия ФСХ «Йилнинг солиқ тўловчиси» танловлари ўтказилишига қарши чикди, чунки унинг натижалари бошқа ташкилотларни чалкаштириши ҳамда номинантларга асосланмаган рақобатчилик устунликларини бериши мумкин. Шунингдек ФСХ «Йилнинг солиқ тўловчиси» миллий мукофоти танлови ўтказилаётганда номинантлар нотўғри тан-

ланган ҳолларга эътиборни қаратди. Чунончи, 2007 йил 8 августда Абакан шаҳар суди «Хакасгаз» компанияси директорини солиқ тўлашда пул маблағларини яширганликда айбдор деб топди ва уни шартли мuddатли қамоқ ҳазо-сига ҳукм қилди ҳамда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Ҳа ва йилнинг 14 августиди эса мазкур ташкилотга «Йилнинг солиқ тўловчиси» мукофоти берилган.

ҚАРЗ ТўЛОВИ БИЛАН ГўЗАЛ

РФ Приморье ўлкасида суд приставлари солиқлар, маъмурий жарималар ва банк кредитлари бўйича тўловларни тўламаганлик натижасида тўпланиб қолган қарзлар учун қарздор аёлдан 12 бош чўчқани ҳибсга олишди. Умумий қарз суммаси 2,241 млн рублни ташкил қилди, аммо приставлар аёлнинг уйдан қарзни сўндириш ҳисобига сотиш мумкин бўлган бошқа бирорта мол-мулкни топа олишмади. Агар қарз белгиланган мuddат (10 кун) ичида сўндирилмаса, чўчқалар сотиб юборилади.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI MA'LUUM QILADI:

● **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING QARORLARI:**

- «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида»;
- «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида».

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 9 АВГУСТДАН 22 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MA'KAMASINING
QARORI

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 31-32-сон, 298-модда)

Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, унинг субъектларини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг 2011 йилдан бошлаб:

қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси институтлари фаолиятини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни кучайтиришни, ҳисобга олиш тизимини соддалаштиришни, шунингдек қимматли қоғозларга оид битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатишни такомиллаштиришни;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг дастурий-техник таъминотини бирхиллаштириш ва стандартлаштиришни, электрон ҳужжат айланишини кенг кўламда жорий этишни ва ундан фойдаланишни;

жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларга оид операцияларда, шу жумладан қимматли қоғозларнинг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олди-сотди операцияларида иштирокини соддалаштиришни;

қимматли қоғозлар бозори маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлайдиган Қимматли қоғозлар бозорининг Ягона дастурий таъминот комплексини (кейинги ўринларда матнда Ягона дастурий таъминот комплекси деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси, «Тошкент» республика фонд биржаси ва «Элсис-клиринг» ҳисоб-китоб-клиринг палатаси билан биргаликда бир ой муддатда, ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг босқичлилигини, унинг сифат ва хавфсизлик стандартларига мувофиқлигини таъминлаш чора-тадбирларини, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида илғор ахборот технологияларини қўллаш соҳасида мутахассислар тайёрлашни назарда тутувчи Ягона дастурий таъминот комплексини жорий этиш чора-тадбирлари дастурини тасдиқласинлар.

3. Белгилансинки:

Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси Ягона дастурий таъминот комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг мувофиқлаштирувчиси ва буюртмачиси ҳисобланади;

Ягона дастурий таъминот комплекси Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси, «Тошкент» республика фонд биржаси, «Элсис-клиринг» ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, иккинчи даража депозитарийлари ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг бошқа манфаатдор профессионал иштирокчиларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилади ва жорий этилади;

Ягона дастурий таъминот комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун маблағлар қимматли қоғозлар бозорининг манфаатдор ташкилотлари ўртасида тузиладиган оддий ширкат шартномаси доирасида Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси томонидан махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Ягона дастурий таъминот комплексининг ўз вақтида жорий этилиши юзасидан назоратни таъминласинлар.

4. «Тошкент» республика фонд биржаси акциядорларининг унинг устав фондиди 1 млрд сўмгача кўпайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банкларига қўшимча равишда чиқарилган акцияларни харид қилиш йўли орқали «Тошкент» республика фонд биржаси устав фондиди кўпайтиришда белгиланган тартибда иштирок этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, ушбу биржанинг устав фондидаги давлат улушини 26 фоизгача етказган ҳолда, қўшимча равишда чиқарилган акцияларни иштирокчи акциядорлар учун жойлаштириш нархидан ошмайдиган нарх бўйича харид қилиш йўли билан «Тошкент» республика фонд биржаси устав фондиди кўпайтиришда иштирок этсин.

5. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази инвестиция институтлари бирлашмалари, «Тошкент» республика фонд биржаси ҳамда рейтинг агентлари билан биргаликда қимматли қоғозлар бозори амалиётига қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентларини рейтинг баҳолаш ҳамда уни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги молия-иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юр்தларининг ўқув дастурларига қимматли қоғозлар ва корпоратив бошқарув бўлимлари киритилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази икки ой муддатда:

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлари тизими тўғрисидаги;

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини ички назорат қилиш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль
160-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 31-32-сон, 299-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-илова мувофиқ;

Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материаллари-

*3-илова берилмайди.

ни экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль
161-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарорига
1-ИЛОВА

**БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини экспертизадан ўтказишга оид ишларни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш — экспертиза буюртмачиси билан тузилган шартнома асосида бошқа баҳолаш ташкилоти томонидан ўтказиладиган баҳолаш ташкилоти баҳолаш бўйича ҳисоботларни текшириш;

экспертнинг бажарувчиси — баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган, шартнома асосида экспертиза ўтказиш учун жалб қилинадиган баҳолаш ташкилоти;

тахлилий экспертиза — қиймат турининг баҳолаш мақсадларига мувофиқлигини, баҳолашда фойдаланилган маълумотларнинг асосланганлигини, методологиянинг

мақбуллигини, ҳисоб-китобларнинг аниқлигини ва баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини текшириш учун ўтказиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумотлар таҳлили асосида амалга ошириладиган экспертиза;

дала шароитида ўтказиладиган экспертиза — таҳлилий экспертизани, шунингдек баҳолаш объектига чиқиб баҳоланадиган мол-мулкни текширишни ва, зарурият бўлганда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумотларни тасдиқлаш учун мол-мулкнинг қиёсланадиган объектларини текширишни ўз ичига оладиган экспертиза;

эксперт хулосаси — баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмунига, ўтказилган тадқиқотлар сифати ва умуман баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлигига нисбатан шарҳлар билан биргаликда экспертиза натижаларини акс эттирадиган ҳужжат.

3. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳолаш тўғрисидаги

ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги экспертизадан (кейинги ўринларда «экспертиза» деб юритилади) ўтказилиши предмети ҳисобланади.

4. Экспертиза қуйидагилар юзасидан тақдим этилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлиги текширилишини таъминлайди:

фойдаланилган маълумотлар ва олинган маълумотномаларнинг асосланганлиги;

қўлланилган методлар ва баҳолаш усуллари асосланганлиги;

ҳисоб-китобларнинг аниқлиги;

таҳлил, фикрлар ва хулосаларнинг асосланганлиги;

тақдим этилган ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги.

5. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдаги исботловчи аҳамиятига эга бўлган маълумотлар айна бир вақтда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

тегишлилик — баҳолаш объекти билан баҳолаш тартибқондаси унинг воситасида амалга ошириладиган маълумотлар сифат ва миқдор тавсифларининг алоқадорлиги мавжудлиги;

йўл қўйилиши мумкинлиги — маълумотлар ишончли тасдиқланадиган манбалардан олинishi керак;

ишончлилик — исботлар билан аниқланадиган маълумотлар буюртмачи ва экспертиза натижаларидан бошқа фойдаланувчилар уларни ҳолисона ҳақиқатга мувофиқ деб баҳолаши мумкин бўлган тарзда, яъни ҳақиқатда юз берган тегишли ҳолатлар билан исбот қилиниши керак;

етарлилик — маълумотлар қўшимча ахборот манбаларини жалб этмасдан ва баҳолаш бўйича қўшимча чоратадбирлар кўрмасдан улар ёрдамида олинадиган натижаларни тўлиқ ва ҳолисона талқин қилиш имконини беради.

6. Экспертиза буюртмачи, баҳолашнинг бошқа истеъмолчилари ва баҳолашни ўтказган баҳолаш ташкилоти ўртасида баҳсли вазиятлар пайдо бўлган тақдирда ёки бошқа ҳолатларда ўтказилади.

7. Экспертизани ўтказган баҳолаш ташкилоти такрорий (ўз) баҳосини амалга оширмасдан ва баҳолаш объекти қийматини ўз ичига олган ўз хулосасини чиқармасдан баҳолаш тўғрисидаги ушбу ҳисоботнинг ишончилигини аниқлайди.

8. Баҳолаш ташкилотини илгари ушбу баҳолаш ташкилоти томонидан бажарилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг экспертизасига жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот экспертизасига баҳолаш тўғрисидаги ушбу ҳисоботни тузишда олдин иштирок этган баҳоловчи жалб этилиши мумкин эмас.

II. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ УЧУН АСОС

9. Экспертизани бажарувчи (кейинги ўринларда «бажарувчи» деб юритилади) билан экспертизани буюртмачиси (баҳолаш хизматлари истеъмолчиси) ўртасида тузилган шартнома (шартномада ўтказиладиган экспертиза тури кўрсатилиши керак) экспертиза ўтказиш учун асос ҳисобланади.

10. Экспертизани ўтказишда экспертиза буюртмачиси ёхуд бошқа манфаатдор шахсларнинг бажарувчи фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

III. ЭКСПЕРТИЗА БУЮРТМАЧИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Экспертиза буюртмачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга: экспертизани ўтказиш масалалари бўйича бажарувчидан маслаҳатлар ва зарур методик ёрдам олиш;

экспертиза предметиға нисбатан таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришларни бажарувчига тақдим этиш;

бажарувчидан экспертизани ўтказишнинг бориши тўғрисидаги ахборотни олиш;

экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатлари ва шартно-

мага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Экспертиза буюртмачиси қуйидагиларга мажбурдир:

экспертиза ўтказилишининг тўлиқлигини таъминладиган материалларни экспертизага тақдим этиш;

шартномада назарда тутилган тартибда экспертиза ўтказилишининг ҳақини тўлаш.

Экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

IV. БАЖАРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Экспертиза ўтказишда бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экспертиза буюртмачисидан баҳолаш объекти ва баҳолаш объектини баҳолаш ўтказилиши билан боғлиқ ҳужжатлардан фойдаланиш таъминланишини талаб қилиш, шунингдек ундан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тушунтириш ва қўшимча маълумотларни олиш;

учинчи шахслардан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни сўраш. Агар кўрсатиб ўтилган ахборотни тақдим этиш рад этилиши экспертизаниннг ҳаққонийлигига таъсир кўрсатган тақдирда баҳоловчи бунинг эксперт хулосасида кўрсатади;

баҳоловчилар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда экспертизани ўтказишда қатнашишга жалб этиш;

агар буюртмачи шартнома шартларини бузган, экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган ахборот тақдим этилишини таъминламаган ёхуд шартномага мувофиқ иш шароитларини таъминламаган ҳолларда экспертиза ўтказишни рад этиш.

Бажарувчи қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Бажарувчи экспертизани ўтказишда қуйидагиларга мажбурдир:

экспертизани ўтказиш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

буюртмачининг талабига кўра экспертизани ўтказишга шартнома тузилиши олдидан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни, баҳоловчи (баҳоловчилар)нинг малака сертификатини тақдим этиш;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолисона экспертиза ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар пайдо бўлиши оқибатида экспертизани ўтказишда ўзининг иштирок этиши мумкин эмаслиги тўғрисида буюртмачига хабар қилиш;

буюртмачининг сўрови бўйича баҳолаш фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

экспертиза ўтказиш давомида олинадиган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

мол-мулкнинг эгасига ва (ёки) буюртмачига экспертиза ўтказиш жараёнида аниқланган уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлар томонидан зарар етказилиши, шунингдек қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида хабар бериш;

ўтказилган экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосалари нусхалари баҳолаш ташкилотида уч йил мобайнида сақланишини таъминлаш;

экспертиза ўтказиш давомида буюртмачидан олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш.

Бажарувчи қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

V. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

15. Экспертиза таҳлилий ёки дала шароитида ўткази-

ладиган экспертиза шаклида ўтказилади.

16. Таҳлилий экспертизани ўтказишда бажарувчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдаги ахборотдан фойдаланиб қуйидагиларни текшириши шарт:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

баҳолаш объектига мавжуд ва баҳоланадиган ҳуқуқлар тавсифининг етарлилиги;

баҳоланадиган қиймат мақсадлари ва турининг баҳолашни ўтказиш ҳақидаги шартнома шартларига ва баҳолаш натижаларидан келажақда фойдаланишга мувофиқлиги;

баҳолашни ўтказишда қабул қилинган йўл қўйишлар ва чеклашларнинг қонунийлиги (қонун ҳужжатларига мувофиқлиги) ва ҳаққонийлиги (амалдаги ҳолатларга мувофиқлиги);

баҳолаш объектига тегишли бўлган бозор тавсифи ва типик харидорлар тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги;

ишончли натижага эга бўлиш учун нарх ҳосил қилувчи омиллар жамини, шу жумладан баҳолаш объектининг жойлашган жойи, очиқ бозорда баҳолаш объекти экспозициясининг ўртача бозор даврини ҳисобга олиш;

баҳолаш объекти қийматининг тегишли турини аниқлаш учун баҳоловчи томонидан баҳолаш стандартлари қўлланилишининг асосланганлиги;

ҳуқуқий, бозорга оид, молиявий, техник ахборотлар ва бошқа ахборотлардан ҳамда уларни олиш манбаларидан фойдаланиш асосланганлиги;

махсус атамалар, баҳоловчининг асослаши ва хулосалари мавжудлиги ва тушунтиришнинг тўлиқлиги;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалардаги мавжуд зарур ҳужжатлар ва материаллар мавжудлиги ва тўлиқлиги;

харажатли, қиёсий ва даромадли ёндашувлар қўлланилишининг тўғрилиги, шунингдек ҳар бир ёндашув доирасида баҳолаш методларини танлаш ва қўллашнинг тўғрилиги, улардан фойдаланишни асослаш (фойдаланишни рад этиш);

баҳолашга турлича ёндашувлар билан ҳисоб-китобларни келишишнинг боадаблилиги;

ҳисобот тузилмаси ва уни расмийлаштириш сифати;

ҳисоб-китобларда фойдаланилган маълумотларнинг бирламчи маълумотларга ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар хил бўлимларида ва унга иловаларда келтирилган бошқа маълумотларга мувофиқлиги.

17. Дала шароитида ўтказиладиган экспертизада бажарувчи экспертизани ушбу Низомнинг 16-банди талабларига мувофиқ ўтказиши, шунингдек:

баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган маълумотларга идентификациялайди;

баҳолаш объектининг физик ҳолатини текширади;

баҳолаш объекти тавсифлари зарур тарзда ўлчанишини амалга оширади;

зарурият бўлганда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган маълумотларни тасдиқлаш учун қиёсланадиган объектларни текширади.

18. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ҳаққоний ёки ҳаққоний эмас деб эътироф этиш экспертиза натижаси ҳисобланади.

19. Қуйидаги омиллар (ҳолатлар)дан ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлганда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончли эмас деб эътироф этилади:

ҳисобот баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмас;

ҳисобот баҳолаш ўтказиш ҳақидаги шартнома талабларига мувофиқ эмас;

баҳолашнинг мақсади баҳолаш натижаларидан келгусида фойдаланишни акс эттирмайди;

баҳоловчи томонидан баҳоланаётган мол-мулк қийма-

тининг тури ноқонуний белгиланган;

ҳисоботни исботловчи аҳамиятга эга бўлган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат сифатида тавсифлаш имкони йўқ;

ўзаро бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирига зид фактлар, маълумотлар, хулосалар, йўл қўйишлар ва уларнинг бир хилда талқин этилмаслиги мавжуд;

баҳолашни ўтказишда фойдаланилган маълумотлар (уларни олиш манбалари) тўғрисида аниқлаштирилган ахборот мавжуд эмас;

ҳисоботда фойдаланиладиган тузатишлар ва/ёки йўл қўйишлар уларни қўллашнинг аён кўриниб турган имкониятлари доирасидан ташқарига чиқади;

ҳисоб-китоблар, формулалар, қўлланилган чегирма ва мукофотлар изчил ва асосланган эмас.

20. Агар баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ тузилган бўлса ва исботловчи аҳамиятли маълумотларга эга бўлса баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончли деб эътироф этилади.

21. Бажарувчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана билан экспертиза ўтказилган сана ўртасида пайдо бўлган қўшимча ахборотни эътиборга олмаслиги керак.

22. Экспертиза натижалари бўйича бажарувчи экспертиза ўтказиш учун тузилган шартномага мувофиқ экспертизанинг буюртмачисига бериладиган эксперт хулосасини тузади.

Экспертиза тугаллангандан кейин уч кун муддатда бажарувчи эксперт хулосаси нусхасини бажариладиган баҳолаш ишларининг холислиги ва сифати устидан назорат қилиш учун баҳоловчи фаолиятнинг лицензияловчи органига юборади.

23. Экспертизанинг буюртмачиси эксперт хулосасига рози бўлмаган тақдирда ушбу эксперт хулосасини ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни судга юборишга ҳақлидир.

VI. ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

24. Эксперт хулосасида қуйидаги мажбурий бўлимлар мавжуд бўлиши керак:

1 бўлим. «Умумий маълумотлар», қуйидагиларни ўз ичига олади:

экспертиза ўтказиш учун асос;

экспертиза предмети (баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг номи);

экспертиза тури (таҳлилий, дала шароитида);

экспертиза ўтказилган сана;

эксперт (экспертлар) тўғрисидаги маълумотлар;

ҳисобот тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектини баҳолаш санасида аниқ идентификациялаш имконини берадиган баҳолаш объектининг аниқ тавсифи, юридик шахсга тегишли бўлган баҳолаш субъектига нисбатан эса — юридик шахснинг реквизитлари.

2 бўлим. «Баҳоланадиган объектга чиққан ҳолда баҳоланаётган мол-мулкни текшириш натижалари» (дала шароитида экспертиза ўтказилганда).

3 бўлим. «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги».

4 бўлим. «Ўтказилган экспертиза хулосалари».

Эксперт хулосасининг намунавий шакли мазкур Низомга иловада келтирилган.

VII. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШДА БАЖАРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

25. Экспертизани ўтказишда бажарувчи ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги, шунингдек баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

_____ -сон ҳисобот бўйича эксперт хулосаси
« _____ »
(баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг номи)

20__ йил «__» _____

Тошкент шаҳри

1. Умумий маълумотлар

Экспертизани ўтказиш асоси: _____

Экспертиза предмети: _____

Экспертиза тури: _____

Экспертиза ўтказилган сана: 20__ йил «__» _____

Эксперт: Ф.И.О., лавозими, баҳоловчининг малака сертификати тартиб рақами ва унинг берилган санаси _____

20__ йил «__» _____ даги «_____»-сон ҳисобот (кейинги ўринларда Ҳисобот деб аталади) 20__ йил «__» _____ да берилган _____-сон лицензия асосида фаолият кўрсатувчи «_____» баҳоловчи ташкилот томонидан 20__ йил «__» _____ да берилган _____-сон баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган баҳоловчи _____ томонидан 20__ йил «__» _____ даги _____-сон Шартнома бўйича _____ мақсадида бажарилган.

(Объектнинг баҳолаш санасида идентификация қилиш имконини берувчи аниқ тавсифи, юридик шахсга тегишли бўлган)

баҳолаш объекти бўйича эса юридик шахснинг реқвизитлари)

_____ баҳолаш объекти ҳисобланади.

2. Баҳоланувчи объектга борган ҳолда баҳоланувчи мол-мулкни текшириш натижалари (дала шароитида экспертиза ўтказишда):

Дала шароитида экспертиза ўтказишда қўшимча равишда қуйидагилар аниқланди:

(Сўнгра эксперт томонидан баҳолаш объектига борган ҳолда баҳоланаётган мол-мулкни текшириш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш учун мол-мулкнинг таққосланадиган объектларини текшириш натижалари келтирилади)

3. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги

Ҳисоботда қуйидагилар келтирилган: _____

(Сўнгра эксперт томонидан баҳолаш тўғрисида тақдим этилган ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига қўйиладиган умумий талабларга риоя қилиниши бўйича мувофиқлиги ҳақидаги хулосалар келтирилади)

Баҳолаш мақсадлари учун Ҳисоботда қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилган:

(Сўнгра эксперт томонидан ҳисоботда Баҳоловчи томонидан у ёки бу баҳолаш ёндашувларидан фойдаланишнинг (ёки фойдаланишни рад этишнинг) асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)

Даромад бўйича ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи _____ методидан фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар

келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)

Қиёсий ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи _____ методидан фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)

Харажат бўйича ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи _____ методидан фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)

Жорий этилган чегиришлар ва мукофотлар:

(Ушбу бўлимда эксперт томонидан ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган чегиришлар ва мукофотлар миқдорларини қўллаганликнинг асосланганлиги ва уларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек уларни аниқлашнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)

Баҳолашнинг ҳар қайси ёндашуви салмоғини асослаш:

Баҳоловчи _____ (баҳолашда қийматни аниқлашга ёндашувларда фойдаланилган салмоқни белгилаш методидан) фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан Баҳоловчи ёндашувларининг салмоғини (коэффициентларини) белгилашнинг асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)

4. Ўтказилган экспертиза хулосалари:

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, 20__ йил «__» _____ даги «_____»ни ба-

(ҳисобот номи)

ҳолаш тўғрисидаги кўриб чиқилган

_____ -сон ҳисобот _____ деб эътироф этилади (ҳаққоний/ҳаққоний эмас)

Экспертизани ўтказган эксперт _____

(имзо)

Экспертизани ўтказган баҳоловчи ташкилот раҳбари _____

(имзо)

Баҳоловчи ташкилот муҳри

Изоҳ: Ушбу эксперт хулосаси фақат илова қилинаётган ҳисоботнинг тўлиқ матнини ҳисобга олган ҳолда, унда мавжуд бўлган барча йўл қўйишлар ва чеклашларни, шунингдек экспертизани ўтказишда фойдаланилган ҳужжатларни эътиборга олиб талқин этилиши мумкин.

**СУД ОРГАНЛАРИ СЎРОВНОМАЛАРИГА КЎРА БАҲСЛИ ВАЗИЯТЛАРДА БАҲОЛАНУВЧИ ОБЪЕКТЛАРНИ
БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИНИНГ
ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Баҳолаш объектлари баҳоси бўйича материалларни баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси ишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш — суд органлари томонидан юборилган баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаларни таҳлил қилиш ва тузиш бўйича тадбирлар йиғиндиси;

Комиссия — Баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси;

Комиссия хулосаси — баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш натижаларидан иборат бўлган ҳужжат;

эксперт — баҳоловчи ташкилот штатида турувчи, экспертлар реестрига киритилган ва эксперт ҳисоботини тайёрлаш учун Комиссия томонидан жалб этиладиган баҳоловчи;

Комиссиянинг эксперт аъзоси — ушбу Низомда назарда тутилган тартибда экспертлар реестридан Комиссия аъзоси сифатида тасдиқланган эксперт;

экспертлар реестри — баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Комиссия томонидан танлаб олинган жисмоний шахслар рўйхати.

3. Экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган материаллар илова қилинган ҳолда суд органлари томонидан Комиссияга тақдим этилган экспертиза ўтказиш тўғрисида суд органларининг ажрими баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш (кейинги ўринларда «экспертиза» деб аталади) учун асос ҳисобланади.

**II. КОМИССИЯ ТАРКИБИ ВА УНИНГ
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

4. Комиссиянинг доимий аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Комиссиянинг эксперт аъзоси экспертлар реестрига киритилган экспертлар орасидан бўлган Комиссиянинг доимий аъзолари томонидан тасдиқланади.

5. Комиссияга Комиссия раиси бошчилик қилади, у: Комиссия ишларини ташкил қилади; Комиссия мажлисининг кун тартибини тасдиқлайди; Комиссия мажлиси ўтказиладиган сана ва жойни тайинлайди;

Комиссия мажлисларида раислик қилади.

6. Комиссия раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

7. Комиссия аъзолари:

Комиссия ишларида қатнашадилар; экспертлар реестрига киритиш учун экспертлар номзодларини кўриб чиқадиладар;

экспертларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар;

экспертлар ишлари натижаларини муҳокама қиладилар;

Комиссия қарорларини қабул қилиш тўғрисида овоз

беришларда қатнашадилар.

8. Комиссия мажлиси, агар унда аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қарори мажлисда қатнашган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия аъзосининг Комиссия қабул қилган қарордан фарқ қиладиган алоҳида фикр-мулоҳазаси Комиссия мажлисининг протоколида акс эттирилади ёки ёзма равишда алоҳида расмийлаштирилади ва у Комиссия мажлиси протоколининг узвий қисми ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади, у Комиссия ишлари бўйича ҳужжатларнинг белгиланган тартибга мувофиқ юритилиши ва сақланишини амалга оширади.

10. Комиссия мажлисларни экспертизадан ўтказиш учун материаллар тўпланишига қараб ўтказилади.

**III. ЭКСПЕРТЛАР РЕЕСТРИГА КИРИТИШ УЧУН
ЭКСПЕРТЛАРНИ ТАНЛАБ
ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

11. Экспертлар реестрига киритиш учун экспертларни танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади.

12. Экспертларни танлов асосида танлаб олиш Комиссия томонидан, талаб қилинадиган экспертлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили камида бир марта амалга оширилади ҳамда қатнашчилар таркиби ва танлов таклифларини бериш шакли бўйича очиқ ҳисобланади.

13. Танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш истагини билдирган экспертлар (кейинги ўринларда «талабгор» деб аталади) учун қуйидаги талаблар белгиланади:

баҳоловчи лавозимида камида уч йил иш стажига эга бўлиш;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун баҳоловчининг малака сертификати тўхтатилганлиги ёки бекор қилинганлиги ҳолларининг мавжуд эмаслиги;

талабгор баҳоловчи ташкилот штатида туриши керак; талабгор баҳоловчи лавозимида қатнашган ҳар хил турдаги мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги камида йигирмата ҳисоботнинг мавжуд бўлиши.

14. Талабгорлар танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш учун Комиссиянинг ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

танлов асосида танлаб олишда қатнашиш юзасидан буюртманома, унда талабгор эксперт сифатида ишларни амалга ошириш учун тайёр бўлган республика ҳудудлари кўрсатилади;

баҳоловчининг малака сертификати нусхаси; меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

талабгор уларда баҳоловчи лавозимида қатнашган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларга оид маълумотлар.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар танлов бўйича танлаб олиш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга бир нусхада тақдим этилади.

Буюртманомага талабгор томонидан имзоланган тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати икки нусхада илова қилинади.

15. Талабгорларнинг танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш бўйича ҳужжатлари Комиссиянинг ишчи органи томонидан танлов бўйича танлаб олишнинг ўтказилиши тўғрисидаги эълон оммавий-ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида

рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг иккинчи нусха-си талабгорга ҳужжатлар қабул қилинган кунда, ҳужжатлар қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

16. Танлов бўйича танлаб олиш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда Комиссиянинг ишчи органи томонидан талабгорлардан ҳужжатлар қабул қилиб олинади ва уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги текширилади, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ўрганилади. Комиссиянинг ишчи органи томонидан талабгорларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатлари кейинчалик қарор қабул қилиш учун Комиссияга тақдим этилади;

иккинчи босқичда Комиссия аъзолари ўз мажлисида талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганадилар ва танлов бўйича танлаб оладилар. Танлов бўйича танловдан ўтган талабгорлар Комиссия қарори билан экспертлар реестрига киритиладилар.

17. Танлов бўйича танлаб олиш яқунлари Комиссия протоколи билан тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг расмий сайтига жойлаштирилади ва танлов бўйича танлаб олиш натижалари тасдиқланган санадан кейин беш кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

18. Баҳоловчининг малака сертификати амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш ушбу экспертни экспертлар реестридан чиқаришга олиб келади.

IV. КОМИССИЯ ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

19. Экспертизадан ўтказиш Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг I бўлими 4, 5-бандларига ва V, VII бўлимлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг III ва IV бўлимлари нормалари Комиссияга ва экспертга (экспертларга) татбиқ этилади, экспертизадан ўтказганлик учун тўлов бўйича нормалар бундан мустасно.

20. Суд органларининг экспертизадан ўтказиш юзасидан ҳар бир аниқ муружаати бўйича баҳоланувчи объектни баҳолаш материаллари олинган санадан бошлаб 3

иш куни мобайнида Комиссия экспертлар реестрига киритилганлар орасидан экспертни (экспертларни) тасдиқлайди.

Экспертиза объектига ва судда кўриб чиқишда қатнашувчи баҳоловчи ташкилотларга нисбатан мулкий ёки бошқа номулкий манфаатларга эга бўлган экспертнинг тасдиқланишига йўл қўйилмайди. Бундай манфаатлар мавжуд бўлган тақдирда эксперт бу тўғрида Комиссияга маълум қилиши шарт.

Эксперт томонидан экспертиза объектига ва судда кўриб чиқишда қатнашувчи баҳоловчи ташкилотларга нисбатан унда мулкий ёки бошқа номулкий манфаатлар мавжудлигини яшириш фактлари аниқланган тақдирда ёхуд эксперт томонидан ўз вазифаларини ноҳалол бажариш ҳоллари аниқланганда мазкур эксперт экспертлар реестридан чиқарилади ва унинг баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатилади.

21. Экспертиза Комиссия томонидан, баҳоланувчи объектларни баҳолаш материаллари Комиссияга тушган санадан бошлаб 30 кун мобайнида ўтказилади.

22. Эксперт (экспертлар) 15 кун муддатда баҳолаш бўйича тақдим этилган материалларни ўрганади ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади.

23. Комиссия ўз мажлисида эксперт (экспертлар)нинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқади. Зарурият бўлганда Комиссия ҳисоботни экспертга (экспертларга) пухталаштириш учун қайтаришга ҳақлидир.

24. Комиссия хулосаси Комиссиянинг мажлисида қатнашган барча аъзолари имзолаган протокол билан расмийлаштирилади.

25. Комиссия хулосасида қуйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

хулоса қабул қилинган сана;

экспертизани ўтказиш учун асос;

экспертиза предмети (экспертизага тақдим этилган материаллар рўйхати);

Комиссиянинг ўтказилган экспертиза бўйича хулосаси.

26. Хулоса тасдиқлангандан кейин Комиссия уч кун муддатда уни ва экспертнинг хизматлари учун тўлов тўғрисидаги маълумотларни тегишли суд органи манзилига жўнатади.

27. Экспертнинг харажатларини қоплаш суд қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 31-32-сон, 302-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 1 — 3-иловаларга мувофиқ базавий лавозим маошлари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йил 1 сентябр-гача олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ

тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича зарур тушунтириш ишларини ва ташкилий ишларни амалга оширсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 ойи яқунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг 2009/2010 ўқув йилидан бошлаб кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:12,5 этиб босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой

муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўрин-

босари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 1 август
164-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар
таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
МИҚДОРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
1. Кафедра мудир:		
фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	365810	349444
фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	349444	336058
илмий даражага эга бўлмаган	336058	322600
2. Профессор:		
фан доктори илмий даражасига эга бўлган	349444	336058
фан номзоди илмий даражасига эга бўлган	336058	322600
илмий даражага эга бўлмаган	322600	306679
3. Доцент:		
илмий даражага эга бўлган	322600	306679
илмий даражага эга бўлмаган	306679	290938
4. Катта ўқитувчи:		
илмий даражага эга бўлган	306679	290938
илмий даражага эга бўлмаган	290938	275549
5. Ассистент, ўқитувчи:		
илмий даражага эга бўлган	275549	260288
илмий даражага эга бўлмаган	260288	245258
6. Ўқитувчи-стажёр		229655

Изоҳ:

1. Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга (катта илмий ходимга) белгиланади.

3. Профессор ёки доцент лавозимига тайинланган, бироқ тегишли илмий унвонга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар таркибидан бўлган шахсларга икки йилгача бўлган муддатга базавий лавозим маошлари куйидаги миқдорларда белгиланади:

профессор – 322 600 сўм;

доцент – 306 679 сўм.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
МИҚДОРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
	I гуруҳ	II гуруҳ
1. Ректор:		
академик бўлган	412729	395962
профессор ёки фан доктори бўлган	395962	379285
доцент ёки фан номзоди бўлган	379285	365810
2. Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор		
профессор ёки фан доктори бўлган	379285	365810
доцент ёки фан номзоди бўлган	365810	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	349444	336058
3. Халқаро алоқалар, капитал қурилиш ва молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор:		

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
	I гуруҳ	II гуруҳ
профессор ёки фан доктори бўлган	357223	343733
доцент ёки фан номзоди бўлган	343733	330181
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	330181	316609
4. Филиал директори:		
академик бўлган	395962	395962
профессор ёки фан доктори бўлган	379285	379285
доцент ёки фан номзоди бўлган	365810	365810
5. Филиал директорининг ўринбосари:		
профессор ёки фан доктори бўлган	365810	365810
доцент ёки фан номзоди бўлган	349444	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	336058	336058
6. Декан:		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	349444	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	336058	336058
7. Декан ўринбосари:		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	336058	336058
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	322600	322600
8. Ҳисоблаш маркази бошлиғи	134144	125545

Изоҳ:

Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига
ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
МИҚДОРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори
1. Ҳисоблаш марказлари муҳандислари:	
1-тоифали	108758
2-тоифали	100841
тоифасиз	93244
2. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари концертмейстерлари:	
етакчи концертмейстер	266802
концертмейстер	237472
3. Илмий котиб	125545
4. Ишлаб чиқариш таълими устаси	100841

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
4-ИЛОВА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТўҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Давлат бюджетидан ёки аралаш тарзда маблағ билан таъминланадиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши бюджет ташкилотлари учун қўлланадиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган олий таълим муассасаларининг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга татбиқ этилмайди.

3. Олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошини, шунингдек қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва

қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

**II. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ЛАВОЗИМ
МАОШЛАРИ**

4. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари:

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари;
ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

5. Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари:

штатдаги лавозимга;
илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.

6. Олий таълим муассасалари раҳбарларининг базавий лавозим маошлари олий таълим муассасаси мансуб

бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2 000 нафардан ортиқ бўлган олий таълим муассасаси киради.

Иккинчи гуруҳга талабалар контингенти 2 000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасаси киради.

7. Раҳбарлар таркибига олий таълим муассасасининг ректори, проректори, декани, декан ўринбосари, олий таълим муассасаси филиалининг директори, директор ўринбосари лавозимларидаги шахслар киради.

8. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимидагилар киритилади.

Олий таълим муассасасининг кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ эгалланади.

9. Базавий лавозим маошлари схемаларида иккита маош назарда тутилган лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби штат жадвалларини тасдиқлашда ушбу лавозимлар бўйича лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегишли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифаси бўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди доирасида белгиланади. Бунда ўталган илмий мактаб, иш стажини, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва олий таълим муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

10. Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оширилади.

Базавий лавозим маошини ўзгартириш олий таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

12. Ходим олий таълимнинг битта муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий лавозим маоши ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

III. УСТАМАЛАР ВА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР

13. Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан белгиланган тартибда тўланадиган ҳар ойлик устамалар белгиланади.

14. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган ва тариф бўйича лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган қўшимча тўлов ва устамаларнинг бошқа турлари миқдори ушбу Низом кучга кирган вақтдан бошлаб базавий лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

IV. МЕХНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

15. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш: штатдаги ўқитувчилар томонидан ушбу тоифадаги ходимларга соатбай ҳақ тўлаш шартлари тўғрисида амалдаги низомларга мувофиқ бажарилган ўқув ишлари учун;

белгиланган нормативларга мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаган ҳолда ўқув ишларини бажаришга жалб этиладиган ректорлар, проректорлар ва бошқа раҳбар ходимларга; бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

16. Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

V. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕХНАТНИ НОРМАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

17. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили келгуси ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган.

Йиллик шахсий иш режаси ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий тусдаги асосий тадбирлар рўйхатини, тадбирлардан ҳар бири бўйича соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда, ўз ичига олади.

Йиллик шахсий иш режаси 1 540 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юк-ламаси лавозимлар (кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр) бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 9 АВГУСТДАН 22 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 4 июлдаги ЭГ-01/10-3897, 71, 01-02/8-44-сонли қарори.

2008 йил 13 августда 428-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 августдан кучга киради).

2. «Корхона — Маҳалла» иқтисодий ўзаро фаолият ва ҳамкорлик тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани

бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 25 июлдаги 01/23-18/10-сонли қарори.

2008 йил 13 августда 808-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 августдан кучга киради).

3. «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сонли, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сонли қарори.

2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 25 августдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 29, 85-сонли қарори.

2008 йил 16 августда 1843-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 августдан кучга киради).

5. «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 21 июлдаги 3-сонли қарори.

2008 йил 16 августда 1748-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 августдан кучга киради).

